БУТУН КУЧ ВА ҒАЙРАТИМИЗНИ, ЮРАГИМИЗНИНГ БУТУН ҲАРОРАТИНИ КПСС XXII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШГА БАҒИШЛАЙМИЗ!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 9 (1787) | 13 январь, жума, 1961 йил | Баҳоси 2 тийин

П. Шестаков ишлаган расм.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1961 йил 11 январда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирди.

Пленум эрталабки мажлисда 1960 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш давлат планининг ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида ҳамда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари ҳақида РСФСР Министрлар Советининг раиси Д. С. Полянский, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. В. Подгорний ўртоқларнинг докладларини тинглади.

Кечки мажлисда Қозоғистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаев, Қўриқ ўлка партия ўлка комитетининг биринчи секретари Т. И. Соколов, Белоруссия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. Т. Мазуров ўртоқларнинг докладлари тингланди.

☆ ☆ ☆

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1961 йил 12 январда кун тартибидаги иккинчи масалани — 1960 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш давлат планининг ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳамда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари ҳақидаги масалани муҳокама қилишни давом эттирди.

Марказий Комитет Пленуми эрталабки мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. П. Мжаванадзенинг, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. Ю. Охундовнинг, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. Ю. Снечкуснинг докладларини тинглади.

Пленум ўз ишини давом эттирмоқда.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

11 январда Москвада, Катта Кремль саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирди.

Пленум кун тартибидаги иккинчи масалани — 1960 йилда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш давлат планининг ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида ҳамда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари ҳақидаги масалани муҳокама қилишга киришди.

Биринчи бўлиб РСФСР Министрлар Советининг раиси Д. С. Полянский доклад қилди.

Ўртоқ Д. С. ПОЛЯНСКИЙ доклади

Ўртоқ Полянский ўз докладининг биринчи қисмини қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг мўл-кўллиги учун курашдаги асосий омил бўлган деҳқончилик маданиятини юксалтириш масалаларига бағишлайди. Ўтган йили деди у, Россия Федерациясининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари экин майдонини кенгайтирдилар, умуман республика бўйича ғалла ва бошқа бир қанча экинлардан 1959 йилдагига нисбатан бир мунча юқорироқ ҳосил олдилар. 1960 йилда ғалла ялпи ҳосили 4,8 миллиард пудни ташкил қилди, бу эса, аввалги йилдагидан 522 миллион пуд кўпдир. Бу ҳосил ғалла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажариш, давлатга 1 миллиард 801 миллион пуд, яъни 1959 йилдагига нисбатан 158 миллион пуд кўпроқ ғалла сотиш, уруғликни тайёрлаб қўйиш, колхозчиларни дон билан таъминлаш, ғалланинг кўпгина қисмини ем учун ва бошқа эҳтиёжлар учун ажратиш имконини берди.

1959 йилдагига нисбатан крупа экинлари деярли уч баравар кўп ва мой олинадиган уруғлик 229 минг тонна кўпроқ тайёрланди. Лекин шуни айтиш керакки, дейди докладчи, бизда бу экинларни етиштириш яхши йўлга қўйилмаган. Биз белгиланган планни бажара олмадик ва аҳолининг гречуха крупасига, сўк ва ўсимлик мойига бўлган талабини ҳозирча тўла қондирмаётирмиз.

Федерацияда қанд лавлаги экин майдонлари бир йилда 200 минг гектар кенгайтирилди ва 1,3 миллион гектарга етказилди. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 1959 йилдаги 107 центнер ўрнига 157 центнердан лавлаги йиғиштириб олинди. Йиғиштириб олинган ҳосилдан республика 100 миллион пуддан кўпроқ қанд-шакар ишлаб чиқара олади, бу эса, ўтган йилги ҳосилдан олинадиган қанд-шакарга нисбатан бир ярим баравар кўпдир.

Картошка ва сабзавот етиштиришни янада кўпайтириш юзасидан маълум иш қилинди.

Ўтган йилнинг якунлари шундан далолат берадики, деб давом этади докладчи, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ишининг бир мунча яхшиланганлигига қарамасдан, бизда ҳали кўпгина ҳал этилмаган вазифалар бор. Деҳқончилик маданиятининг даражаси ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди, ҳосил паст, маҳсулот единицасига меҳнат сарфи кўп, маҳсулот таннархи юқори.

Маълумки, дейди ўртоқ Полянский, қишлоқ хўжалигидаги марказий вазифа, илгаригидек, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг бошқа ҳамма тармоқларини тез ривожлантиришнинг асоси бўлган ғалла етиштиришни кескин кўпайтиришдан иборат бўлиб қолади.

Республикада бу вазифани ҳал этиш имконини берадиган амалий таклифлар ишлаб чиқилди. Масалан, қўриқ ер районларида ҳар бир совхоз ва колхозда хўжаликни бошқаришнинг илмий жиҳатдан асосланган системасини жорий қилиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, зарур миқдорда ишлаб чиқариш бинолари, уй-жой бинолари, ошхоналар, маданий-маиший муассасалар қуриш, дон қабул қилиш пунктлари ва ғалла омборлари тармоғини яхшилаш ва кенгайтириш тадбирлари белгиланди. У ерда янги совхозлар ташкил қилиш ва мавжуд бир қанча совхозларни йириклаштириш ҳам кўзда тутилади. Бу тадбирларнинг ҳаммаси ҳар йили қўриқ ерларда қўшимча тарзда 350—400 миллион пуд дон ва кўпгина бошқа маҳсулотларни етиштириш имконини беради.

Ўртоқ Полянский ери қоратупроқ бўлмаган зона ҳақида гапириб, айтдики, бу ерда ғалла хўжалигида айниқса катта қолоқликка йўл қўйилди. Давлат бу зонадаги кўпгина колхоз ва совхозларни дон сотишдан тўла ёки қисман озод қилди. Бунда улар ортиқча ғалладан чорвачиликни ривожлантириш учун фойдаланадилар деб назарда тутилган эди. Бироқ баъзи областларда бундай тадбирни ғалла етиштиришни кўпайтириш ҳақида ғамхўрлик қилишдан батамом қутилдик, деб тушундилар. Бу ерларда ҳосилдорлик ҳам жуда паст. Гречиха ва дуккакли экинлар етиштириш соҳасида айниқса йўл қўйиб бўлмайдиган аҳвол вужудга келди.

Ери қоратупроқ бўлмаган зонада яқин йиллар ичида оборотдан чиқиб қолган камида 3 миллион гектар ерни ҳайдаш, хўжаликни бошқариш маданиятини ошириш вазифаси қўйилмоқда. Иш тўғри ташкил этилса, ерни қоратупроқ бўлмаган зонадаги районлар қўшимча тарзда 400—500 миллион пуд дон олиш имкониятига эга бўладилар.

Узоқ Шарқ тўғрисида. Бу, дейди Ўртоқ Полянский, ўз табиий шароити жиҳатидан республиканинг кўпгина жанубий районларидан қолишмайдиган ажойиб ўлкадир. Бу ўлкада ер яхши, сув сероб, қуёш нури кўп. Бугдой, шоли, соя ва бошқа экинлар етиштириш учун ғоят бой имкониятлар бор. Бироқ, Узоқ Шарқнинг қишлоқ хўжалиги ўз аҳолисининг деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ҳозирча қондира олмаётир.

Узоқ Шарқда ҳайдалган ерлардан яхшироқ фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш, шунингдек 1 миллион гектарга яқин янги ерларни ўзлаштириш вазифаси қўйилмоқда.

Волгадаги ва бошқа дарёлардаги гидроэлектростанциялар қурилишининг тугалланиши муносабати билан, шунингдек фан ва техника ютуқларини ҳамда мавжуд моддий ресурсларни ҳисобга олганда, суғориладиган деҳқончиликни ривожлантириш юзасидан катта тадбирларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар вужудга келди. Волга районларининг ўзида 2,5 миллион гектар майдонда қўшимча тарзда қурилиш системалари қуриш имконияти бор. Дон ва Кубан сув ресурсларидан фойдаланиб, қўшимча тарзда 700 минг гектар суғориладиган ерни ўзлаштириш мумкин. Москва атрофидаги, Урал ва Сибирдаги дарёлар одатдаги ерларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг катта резервлари бор.

Ирригация ишларини кенг кўламда ташкил қилиш қишлоқ хўжалигимизни янада юксакроқ даражага кўтариш, об-ҳаво шароитларига унинг камроқ қарам бўлишига эришиш имконини беради, қўшимча юз миллионларча пуд ғалла ва бошқа кўпгина маҳсулотлар олиш имкониятини яратади.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Съездни муносиб кутиб оламиз

Биринчи сменадаги иш тамом бўлганидан кейин, икки мингдан кўпроқ киши «Ташсельмаш» заводининг кенг ҳовлисига тўпланди. 11 январда бу ерда КПСС Марказий Комитетининг Ватанимиз пойтахтида очилган Пленумига бағишлаб митинг ўтказилди.

Митингни завод партия комитетининг секретари П. Б. Иванова очди. Ўртоқ Иванова КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми ишлари тўғрисида ахборот бериш учун Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари И. Р. Арнаутовга сўз берди.

Наладчик Б. Худойқулов қуйидагиларни айтади:

— КПСС Марказий Комитети Пленумининг жонажон Коммунистик партиямизнинг навбатдаги XXII съездини бу йил чақириш тўғрисидаги қарори ҳар биримизни жуда хурсанд қилди. Съезднинг чақирилиши халқимизнинг, давлатимизнинг ҳаётида жуда катта воқеадир. Биз, ишчилар съезд шарафига меҳнат вахтасида ишлаб, янгидан-янги муваффақиятларга эришамиз. Ҳозирги вақтда цехимиздаги 24 бригаданинг ҳаммаси коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун мусобақалашмоқда. Биз съезд очиладиган кунга қадар бутун цехнинг ана шу фахрли номга эга бўлишини таъминлаймиз, деб ваъда берамиз.

Инженер-технолог Б. Долженников сўз олади.

— Бизнинг партиямиз, — дейди у, — мамлакатнинг қишлоқ хўжалигини доим юксалтириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига доир туб масалаларнинг муҳокама қилинаётганлиги буни исбот этади. Биз, машинасозлар, бу йил пахтакорларга «оқ олтин» терадиган камида беш мингта яхши машиналар тайёрлаб бериш учун бутун кучимизни сарф қиламиз.

Митингда коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи прессчи Ўктам Ирисқулов, йигув цехининг мастери Озод Маҳмудов ва бошқалар ҳам сўзга чиқдилар.

Митингда оширилган мажбуриятлар қабул қилинди. Партия XXII съезди шарафига квартал планини 11 мартгача, йиллик топшириқни эса, 28 декабргача бажариш, етти йилликнинг тўртинчи йилида ўн мингта пахта териш машинаси ишлаб чиқариш учун тайёргарлик кўришга қарор берилди. Коллектив коммунистик меҳнат корхонаси деган фахрли номни олиш учун мусобақани кучайтиришга аҳд қилди.

Митинг қатнашчилари ғоят баланд руҳ билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети январь Пленуми номига табрик телеграммаси қабул қилдилар. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛАРИ СЪЕЗД ОЛДИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

11 январда Тошкент тўқимачилик комбинатида ишчилар, хизматчилар ва инженер-техник ходимларнинг кўпминг кишилик митинги бўлди. КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг партиянинг навбатдаги, XXII съездини чақириш тўғрисидаги қарорини бу ерга тўпланганлар зўр диққат-эътибор билан тингладилар. Қарорни Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари О. С. Соқиев ўқиб берди.

Иккинчи тўқув фабрикасининг мастери Н. Искандарова минбарга чиқади. У бундай дейди:

— Биз, тўқимачилар Пленумнинг партиянинг навбатдаги, XXII съездини чақириш тўғрисидаги қарорини қизғин табриклаймиз. Бу съезда Совет Иттифоқи халқи босиб ўтган шонли йўл натижаларига якун ясалиб, янги, янада катта зафарларга эришиш йўллари белгилаб берилади.

Фабрика коллективи КПСС XXII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлашга ва йиллик топшириқдан ташқари 300 минг метр газлама тўқиб чиқариш, тўққиз тонна ип-калавани тежаш, меҳнат унумдорлигини, 1,5 процент ошириш мажбуриятини олишга аҳд қилди. Ўзим раҳбарлик қилаётган смена коллективи эса ўз олдига навбатдаги съездга қадар коммунистик меҳнат сменаси деган фахрли номга сазовор бўлиш вазифасини қўйди.

Митингда йигирувчи Н. Козлова, раклист Б. Зокиров, ип йигирув фабрикасининг ишчиси Р. Юсуфбекова, комбинат директори З. Абдуллаевлар сўзга чиқдилар. Уларнинг ҳаммаси корхона коллективи жонажон партиянинг навбатдаги, XXII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга тайёр эканлиги ҳақида гапирдилар.

Митинг қатнашчилари 1961 йил учун яндиллик билан юксак социалистик мажбурият қабул қилиб, бу мажбуриятни КПСС Марказий Комитетининг ҳозир ўз ишини давом эттираётган Пленуми номига ёзилган мактубда баён қилдилар. Мактубда айтиладики, Тошкент тўқимачилик комбинатининг кўп минг кишилик коллективи Коммунистик партиянинг ленинча доно сиёсатини яқдиллик билан маъқуллайди ва социалистик Ватанимиз шон-шуҳратини оширишга тайёрдир. Тўқимачилар етти йиллик учинчи йили программасини муддатидан илгари бажаришга ва пландан ташқари 1 миллион 500 минг метр тайёр газлама, 500 минг метр ҳом сурп, кўпгина миқдорда ип ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар.

...Митинг тамом бўлади. Неча минглаб ишчилар ўз станоклари ва машиналари ёнида туриб ишлай бошлайди. Тошкент тўқимачилари КПСС XXII съезди шарафига биринчи меҳнат вахтасини бошлаб юбордилар. (ЎзТАГ).

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

Москва радиоси ҳамманинг дилини қувончларга тўлдирувчи янги хушхабар келтирди. Катта Кремль саройида бўлаётган улкан йиғин — КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партиямизнинг навбатдаги, XXII съездини шу йил 17 октябрда чақиришга қарор қилди. Яхши гапга қанот йўқ дейдилар. Ҳозир ким билан суҳбатлашманг, ҳамманинг оғзида шу гап.

Бекобод — металлурглар, энергетиклар ва цементчилар шаҳри. Бу навқирон индустриал шаҳар йил сайин ўсмоқда, кенгаймоқда. Ундаги асосий қурилишларни бизнинг коллективимиз олиб бораяпти.

Эски йилни ёмон натижалаганимиз йўқ. Қурилиш-монтаж ишлари плани 104 процент қилиб бажарилди. Фидокор қурувчиларимиз шаҳар меҳнаткашларига 6 минг квадрат метр миқдорида уй-жой биносини тақдим этдилар. Бу, йиллик планда белгиланганига қараганда анча кўп. 520 ўқувчи учун мўлжалланган мактаб биноси қурилишини ҳам тугалладик. Бундан ташқари, цемент комбинатида бир қанча объектларни, чунончи компрессор станциясини, кристализаторларни ремонт қиладиган устахона, сув босими ҳосил қиладиган минбра, шунингдек Ўзбекистон металлургия заводида ҳам бир қанча объектларни барпо этдик.

Ўтган йилнинг 22 декабрь куни цемент комбинатида яшил машъал ёқилди. Бухоро газини шаҳарга ва корхоналарга келтириш ишида ҳам коллективимиз ўз ҳиссасини қўшди.

Мана бу қурилиш ҳаммаси жонажон партиямиз XXI съезди кўрсатмаларини амалга ошириш натижасида қўлга киритган ютуқларимиздир. Совет халқи икки съезд ўртасида ғоят катта ғалабаларни қўлга киритди. Мамлакатимиз коммунизм томон яна бир улкан қадам ташлади. Партиямизнинг бўлажак съезди коммунизм қурилишини янада тезлаштиришнинг аниқ йўл-йўриқларини белгилаб беради.

КПССнинг ҳар бир съезди партиямиз тарихида, мамлакатимиз тарихида жуда катта воқеадир. Ҳеч шубҳа йўқки, совет кишилари ҳар сафаргидек ўз традицияларига биноан КПССнинг бу съездини ҳам халқ хўжалигининг барча тармоқларини юксалтиришда янги зафарларга эришиш билан кутиб оладилар.

А. ДЮЛОВ,
Бекоботдаги 704-УНР партия ташкилотининг секретари,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

ЛЕНИН ПАРТИЯСИ

Шонли етти йилликнинг учинчи баҳодирин
Азамат қадам билан бошлади она халқим.
Зафарли тонг отарда табриклаб дўст бир-бирин,
Ғалабалар постида турмоқ истайди ҳар ким.
Коммунизм асрининг ҳар мазмунли кунида
Эртанинг чароқлари кўзга шуъла беради.
Давр нафаси келар улуғ иш якунида,
Меҳнатнинг лочинлари мағрур кўкрак керади.
Ленин партиясининг доно етакчилиги,
Каттакон ишлар томон халқни олға ундайди.
Совет кишиларида тинчлик-дўстлик тилаги,
Инсон ўз улушини давримизга атайди.
Кремль қалби каби мусаффо юрагимиз,
Жонажон партияга бир умр туташ турур.
Меҳнатда тобланади машина, билагимиз,
Чунки меҳнат қилмоқдан инсон тантана қилур.
Меҳрибон партиямиз, етакчи, устозимиз,
Пахтакор ўзбек халқи бир умр сендан мамнун.
Дилда, қўлда янграйди шаънинг учун созимиз,
Ҳар кўрсатган ишингда ажойиб, порлоқ якун.
Мардона сафларингда битта солдатинг бўлиб,
Не буюрсанг жон билан хизматингга тайёрман.
Ингитлик умри билан ғайратга, кучга тўлиб,
Миллионлаб кишилардай, ҳаётда бахтиёрман.
Ленин партияси, халқларнинг юрагисан.
Олам-олам қиссалар кам бўлади шаънингга.
Меҳрибон эл-элатинг дилдаги тилагисан,
Тарихлар тенг келолмас қўлга олган шонингга.

Юсуфжон ҲАМДАМ

Ҳар юз совлиқдан 150 тадан қўзи оламан

Менинг бу йилги мажбуриятим ана шундай. Шу кунларда ваъдамнинг қуруқ сўз бўлиб қолмаслиги учун курашаяпман. Ҳаво кун оша совуб бораяпти. Аччиқ шамол изғийди, юзларни чимдиб-чимдиб олади. Совлиқларнинг эркин яйрашига имкон бермайди. Аммо бу эр йигитни ташвишга тушира олмайди. Мен белни маҳкам боғлаганман. Ўз ваъдамдан қайтмоқчи эмасман. Йўқ, сўз бердимми, уни бажараман. Бу менинг коммунистлик бурчимдир.

Кеча яқинда газетада хушхабар эшитиб қолдим. КПССнинг навбатдаги, XXII съезди чақирилар экан. Газетани зўр иштиёқ билан ўқиб чиқдим. Ҳа, съезднинг чақирилиши ҳақидаги хабар кучимга-куч қўшди, ғайратимга-ғайрат. Мундоқ ўйлаб қарасам ўтган йили қўлга киритган муваффақиятларим ҳали ҳеч гапга ўхшамай қолди. Ҳар юз совлиқдан 133 тадан қўзи олган эдим. Ахир, областимизда ҳар юз совлиқдан 150 ва ундан ҳам ошириб қўзи олаётган чўпонлар ҳам бор-ку! Нега мен шу донгдор чўпонларнинг қаторида бўлолмайман, дедим ўзимга-ўзим. Шундан сўнг мен олдинги мажбуриятимни янгилашга қарор қилдим. Ҳар юз совлиқдан 140 қўзи ўрнига 150 тадан қўзи олишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Ўтган йили ҳар бир совлиқдан 4 ярим килограммга етказиб майин жун кириб олган эдим. Бу йил ҳар бир совлиқдан 5 килограммга етказиб жун олмоқчиман.

Юксак мажбуриятларни бажаришда қўйларни қишдан семиз ва соғлом олиб чиқиш катта аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам мен ўз боқимимдаги қўйларнинг қишдан бехатар чиқиши учун барча қулай шарт-шароитлардан тўлиқ фойдаланаяпман. Қўйларга ўз вақтида озуқа берилаяпти, вақти-вақти билан суғориб турибман. Буларнинг ҳаммаси ютуқлар гарови бўлаолади. Мен албатта ахдимнинг уддасидан чиқаман.

Р. МУЖДАБОЕВ,
Юқори Чирчиқ районидаги «Коммуна» колхозининг чўпони.

ҒАЙРАТГА-ҒАЙРАТ ҚЎШДИ

«Ўзбекхиммаш» заводининг қайси цехига кирманг, кекса-ю-ёш, барчанинг фикри-зикри партиямизнинг навбатдаги, XXII съездини чақириш ҳақидаги хушхабар билан бандлигининг гувоҳи бўласиз.

Кимё агрегатларининг баҳайбат корпуслари йиғиладиган цех. Ишчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Уларнинг ишини завқ билан тамоша қилади, киши. Юзларида табассум мавж урмоқда. Коммунистик меҳнат бригадасининг раҳбари ўртоқ Икромов бундай деди:

— Партиямизнинг XXII съездини чақириш ҳақидаги хушхабар ғайратимизга-ғайрат қўшиб юборди. Бу съезд ҳам мамлакатимизнинг коммунизм томон тараққиётини янада тезлаштиради. Съездда партиямиз программасининг қабул қилиниши, айниқса қувончли бир ҳолдир. Бригадамиз аъзолари съездни муносиб кутиб олиш учун оширилган мажбурият олишди: етти йиллик учинчи йили топшириғини муддатидан икки ой илгари бажаришга аҳд қилдик.

З. АЗИМОВ.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, деди сўнгра докладчи, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш учун кураш соҳасидаги бизнинг планларимиз маккажўхори етиштириш билан боғлиқдир. Россия Федерациясида 13 миллион гектар ерга маккажўхори экилмоқда, бу эса 1953 йилдагига нисбатан 16 баравар кўпдир; маккажўхорини дони учун етиштириш соҳасида катта тажриба тўпланди. Бу йил Россия Федерациясида маккажўхорини дони учун етиштиришни 400—500 миллион пудга кўпайтириш мўлжалланади. Ваҳоланки, ўтган йили 133 миллион пуд маккажўхори дони етиштирилган эди.

Деҳқончилик соҳасида қўйилган вазифаларнинг амалга оширилиши шу йилнинг ўзидаёқ 1960 йилдагига нисбатан галла экинларининг ялпи ҳосилини 15—20 процент, қанд лавлаги ялпи ҳосилини 19—20 процент, мойли экинлар ялпи ҳосилини 35—40 процент, картошка ялпи ҳосилини 40 процент ва сабзавот ялпи ҳосилини 42 процент ошириш имконини беради.

Сўнгра докладчи чорвачилик масалаларига ўтади. Ўтган йили, дейди у, деҳқончилик янада юксалиши билан бир вақтда, чорвачилик ҳам ривожланди. 1960 йилда давлатга 1959 йилдагига нисбатан 124 минг тонна гўшт, 1,1 миллион тонна сут, 4 минг центнер жун ва 627 миллион дона тухум кўп сотилди. Айниқса жамоат секторида чорва моллар сони кўпайди. Бироқ, дейди ўртоқ Полянский, ғмуман Федерация бўйича эришилган натижаларни етарли деб бўлмайди. Оширилган мажбуриятлар олган кўпгина областлар бу мажбуриятларни бажариш учун ҳаракат қилмоқдалар. Бизнинг фикримизча, бу ишни чорвачиликдаги ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялашни 3—4 йил ичида тугаллаш имконини берадиган тарзда ташкил қилишни мўлжалламоқдамиз.

Ўртоқ Полянский ўз докладининг охирида қишлоқ хўжалигига раҳбарлик, қишлоқдаги ташкилотчилик иши масалалари устида тўхталди. Жумладан, у социалистик мусобақани ташкил этиш соҳасидаги жиддий камчиликларни кўрсатиб ўтди. Баъзи ходимлар, деди докладчи, реал имкониятларни ҳисобга олмасдан оширилган мажбуриятлар олмоқдалар ва бошқаларга мажбуран қабул қилдирмоқдалар. Баъзилари эса, реал мажбуриятлар олсалар ҳам, бу мажбуриятларни ташкилотчилик тадбирлари билан мустаҳкамламаётирлар. Униси ҳам, буниси ҳам мажбуриятларнинг муқаррар бажарилмай қолишига олиб келмоқда.

Айрим областлар дон тайёрлаш планининг бажарилганлиги ҳақида рапорт бериб, айни вақтда уларга давлат уруғлик беришини, чорва озуқаси учун галла ажратишини сўрамоқдалар. Бир қанча областларда жамоат чорваси асосан чорвани урчитиб кўпайтириш ҳисобига эмас, балки колхозчилар, ишчи ва хизматчилардан мол сотиб олиш ҳисобига кўпайди. Бундай фактлар Брянск ва Москва областларида, Олтой ва Ставрополь ўлкаларида айниқса кўп. Мен айтишим керакки, дейди ўртоқ Полянский, бир қанча областларда чорвачиликнинг ёмон аҳволда эканлиги ҳақидаги сигналлар бизга етиб келган эди. Бироқ, Қишлоқ хўжалик министрлиги у ёқда турсин, КПСС Марказий Комитетининг РСФСР Бюроси ҳам, Федерация Министрлар Совети ҳам бу сигналларга астойдил эътибор бермади, жойлардаги аҳволни текшириш билан кам шуғулланди.

Ўртоқ Полянский ўз докладининг охирида КПСС Марказий Комитети Пленумини ишонтириб айтдики, Россия Федерациясининг меҳнаткашлари бутун халқимиз билан биргаликда Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети тевараги-га мустаҳкам жипслашиб, коммунизм тантанасини тезлаштириш учун ҳамма чораларни кўрадилар.

* * *

Украина КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. В. Подгорнийга сўз берилади.

Ўртоқ Н. В. ПОДГОРНИЙ доклади

Ўртоқ Подгорний етти йилликнинг ўтган икки йили мобайнида Украина халқ хўжалигининг умумий тараққиётини қисқача характерлаб беради ва сўнгра етти йиллик планнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун республикада қилинган ва қилинаётган ишлар ҳақида Пленумга ахборот беради.

Етти йилликнинг икки йили ичида дон, гўшт ва сут етиштиришнинг ўртача йиллик миқдори, деди докладчи, аввалги беш йиллик мобайнида етиштирилган ана шу маҳсулотлар миқдоридан ортиб кетди. 1960 йилда ялпи дон маҳсулоти шундан аввалги йил даражасига етиб қолди ва 1 миллиард 630 миллион пудни ташкил этди. Шу билан бирга крупа ва дон-дуккакли экинлар ҳосили анча кўпайди. Республика дон экинлари сотиш умумий планини бажармагани ҳолда, маккажўхорини, хусусан гибрид ва сортли уруғларни, шунингдек тариқ ва нўхотни планда кўрсатилганидан анча кўпроқ топширди.

Ўтган йили қанд лавлаги ялпи ҳосили кўпайди, қунгабоқар кўпроқ тайёрланди, сабзавот тайёрлаш плани ошириб бажарилди.

Етти йилликнинг ўтган икки йили мобайнида (яъни Украинада қишлоқ хўжалиги учун энг қулай бўлган 1958 йилдагига нисбатан) гўшт етиштириш 11 процент, шу жумладан колхоз ва совхозларда 38 процент кўпайди. Ана шу хўжаликларда соғиб олинган ялпи сут 15 процент ортди.

1960 йилда чорвачилик маҳсулотлари тайёрлашга келганда шуни айтиш керакки, дейди докладчи, тайёрланган гўшт миқдори 1958 йилдагига нисбатан 20 процент кўпайди, давлатга гўшт сотиш йиллик плани эса ошириб бажарилди. Сут планда белгиланганидан камроқ сотилди.

Етти йилликнинг икки йили мобайнида колхозларда ва давлат хўжаликларида қорамоллар 3,3 миллион бош, ёки 33 процент кўпайди. Ҳозирги вақтда республикада 100 гектар экинзор ҳисобига 41 бош қорамол, шу жумладан 18,5 бош сигир ва 53 бош чўчқа бор. Республикада чорва молларнинг мавжуд миқдори чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришни таъминлайди.

Докладчи республикада дон етиштириш ҳақида гапириб, Украинада ўтган йили об-ҳаво шароити жуда ноқулай келганлигини эслатиб ўтади. Қаттиқ совуқлар бўлганлиги сабабли талайгина майдондаги кузги экинлар ва кўп йиллик ўтлар нобуд бўлди. Қаттиқ қурғоқчилик ва гаримсел орқасида баҳори экинларнинг ҳам бир қисми нобуд бўлди. Кузги экинларнинг нобуд бўлганлиги орқасида олинмай қолган дон ўрнини қоплаш учун баҳори экинлар ялпи ҳосилини кўпайтириш чоралари ишлаб чиқилди. Биз, дейди ўртоқ Подгорний, асосий эътиборни маккажўхори етиштиришни кўпайтиришга қаратдик ва бунинг учун маккажўхори майдонларини қўшимча равишда яна 2,5 миллион гектар кенгайтирдик. Маккажўхоридан кам ҳосил олинган бўлса ҳам, колхоз ва совхозлар ем-хашак тайёрлаш соҳасида аввалги бир қанча йиллар мобайнида кўрилган қийинчиликларни бирмунча бартараф қила олдилар.

Ўтган йилги қийинчиликлар, деб таъкидлайди докладчи, об-ҳаво шароитининг ноқулай келиши каби объектив сабаблар орқасидагина рўй берди, деб ўйлаш ярамайди. Аввало шуни айтиш керакки, республикадаги кўпгина партия ва совет органлари қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда жиддий камчилик ва нуқсонларга йўл қўйиб келмоқдалар. Асосий камчилик шундан иборатки, республикада дон экинларидан ва хусусан маккажўхоридан мўл ҳосил етиштириш йўлидаги кураш яхши уюштирилмади.

Докладчи чорвачиликнинг аҳволини характерлаб айтадики, республикада концентрат озуқа етишмаётганлигини баҳона қилишиб, чўчқачилик билан жиддий шуғулланмадилар ва асосан қорамол ҳисобига гўшт топшириш йўлини тутдилар. Чорвачиликни ривожлантиришдаги камчиликлардан яна бири шуки, бир қанча областларда жойнинг ўзида урчитиб етиштириш ҳисобига сигирлар сонини кўпайтириш соҳасида жуда суст иш олиб борилмоқда. Колхоз ва совхозларда гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг парранда, хусусан ўрдак, ғоз боқиб ўстириш каби катта резервидан ҳали етарли фойдаланилмаётир. Бир қанча областларда олинган мажбуриятларни бажариш юзасидан ташкилотчилик ишлари қониқарсиз олиб борилди.

1961 йилда, деб таъкидлайди докладчи, барча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ва аввало, маккажўхори ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда кескин бурилиш ясаш мақсадида конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди.

Барча экинларнинг ва биринчи галда маккажўхорининг ҳосилдорлигини ошириш — республика шароитида дон етиштиришни кўпайтиришнинг асосий шартидир.

Бу йил Украинада 650—700 миллион пуд дон харид қилиниши керак. Бунинг учун республикада 2 миллиард 100 миллион — 2 миллиард 200 миллион пуд янги дон ҳосили олиш зарур. Бу вазифани бемалол бажариш мумкин, дейди докладчи.

Республикада барча қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш чоралари кўрилмоқда. Колхоз ва совхозларда деҳқончилик маданияти анча юксалтирилади, хўжаликни бошқаришнинг илмий жиҳатдан асосланган системаси жорий қилинмоқда, тўғри алмашлаб экиш йўлга қўйилмоқда.

Докладчи минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни ва бегона ўтлар ҳамда қишлоқ хўжалик зараркунандалари билан курашиш учун керакли кимёвий доривор ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарурлигига эътиборни жалб этади.

Етти йиллик планнинг чорвачилик соҳасидаги топшириқларини бажариш учун, дейди ўртоқ Подгорний, бу йил ем-хашак етиштиришни бир ярим баравар, 1963 йилда эса икки баравардан зиёд кўпайтириш керак. Ем-хашак етиштиришни шу тариқа кўпайтириш, аввало, маккажўхори ва шунингдек қанд лавлаги ҳисобига таъминланади.

Суғориладиган ва захи кетказиладиган ерлар, дейди докладчи, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ялпи ҳосилини кўпайтиришнинг муҳим резервидир. Суғориш соҳасида белгиланган планларнинг амалга оширилиши 1965 йилга келиб, суғориладиган ер майдонларини 360 минг гектар кенгайтириш имконини беради. Бу ерларда маккажўхори ва шоли экиш, ем-хашак экинлари етиштиришни кўпайтириш, шунингдек мевали дарахтзор ва токзорлар барпо этиш мақсадида фойдаланиш учун мўлжалланади. Бу йил 140 минг гектар ботқоқ ва ботқоқланган ерлар қуритилади ва қишлоқ хўжалик экинлари экиш учун тайёрлаб қўйилади.

Ўртоқ Подгорний айтадики, чорвачилик маҳсулотлари, хусусан гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш суръатларининг янада жадаллаштирилишига яқин вақт ичида эришмоқ учун тегишли чоралар кўрилмоқда. 1961 йилда қишлоқ хўжалигига яроқли ҳар 100 гектар ер ҳисобига 85—87 центнер гўшт (тирик вазнда) ва 360—365 центнердан сут етиштириш мўлжалланди. Етти йиллик планнинг сут ва гўшт етиштириш соҳасидаги топшириқларини бажармоқ учун республикада 1960 йилдаги 7,9 миллион бош ўрнига 12 миллион бош сигир бўлиши керак. Сигирлар сонини шу йилнинг ўзидаёқ 800 минг бош кўпайтириш вазифаси қўйилади.

Республикада чўчқачиликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бу йил бўрдоқига боқиладиган чўчқалар сонини ўтган йилдагига нисбатан икки баравар кўпайтириш кўзда тутилади. Бундан мақсад умумий гўшт етиштиришда чўчқа гўшти салмоғини ўтган йилдаги 43 процентдан 1961—1962 йилларда камида 50 процентга етказишдир. Ҳозирги пайтда 4,9 миллион бош чўчқа бўрдоқига боқилмоқда. Бир йил ичида колхоз ва совхозларда қарийб 12 миллион чўчқани бўрдоқига боқиш мўлжалланади. Ҳар бош қора молнинг тирик вазнини ўрта ҳисобда 325—375 килограммга етказиб гўштга топшириш учун моллари бўрдоқига боқиш ишлари анча кенгайтирилади ва яхшиланади. Бу йил камида 40 миллион ўрдак ва ғоз боқиб ўстириш мўлжалланади.

Сут етиштиришни янада кўпайтириш — кечиктириб бўлмайдиган зарур вазифалардан биридир. Шу муносабат билан сигирлар сонини оширган ҳолда уларнинг маҳсулдорлигини кўпайтиришга, чорва молларнинг наслини яхшилашга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Сўнгра докладчи қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, техникадан мақсадга мувофиқ фойдаланиш масалаларига тўхталиб ўтади.

Республикадаги колхоз ва совхозларда 5—7 механизатордан иборат йирик звенолар тобора кўпроқ ташкил этилмоқда. Бу звеноларнинг ҳар бирига 500—700 гектардан ҳайдаладиган ер биркитиб берилмоқда. Лавлагикор районларда йириклаштирилган звенолар вужудга келтирилмоқда. Бу звеноларда механизаторлардан ташқари 30 — 40 колхозчи бўлади.

Ўртоқ Подгорний колхозларнинг жамоат хўжалиги доим мустаҳкамланиб бораётганлиги тўғрисида гапиради. Дастлабки маълумотларга қараганда, Украина колхозлари ўтган йили бўлинмас фондларга 750 миллион сўмдан кўпроқ маблағ (янги пул ҳисобида), яъни барча пул тушумларининг 24 процентини ажратганлар. Йил охирига келганда бўлинмас фонддаги маблағнинг умумий миқдори 4,7 миллиард сўмни, ёки ҳар бир хўжалик бўйича қарийб 500 минг сўмни ташкил этди.

Ўртоқ Подгорний ўз докладини тамомлаб айтадики, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съездини чақириш тўғрисидаги хабар Украина меҳнаткашларининг ижодий ташаббуси ва ғайратини янада ошириб юборади. Барча коммунистлар, ҳар бир ишчи ва колхозчи съездни меҳнат соҳасида муносиб ғалабалар билан кутиб олиш учун фидокорона кураш олиб борадилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР Транспорт қурилиши министрлигининг «Киевметрострой» қурилиш бошқармасини Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Киев метрополитенини қуришда эришган муваффақиятлари учун СССР Транспорт қурилиши министрлигининг «Киевметрострой» қурилиш бошқармаси Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1961 йил, 11 январь.

СССР Олий Совети Президиумида

Киев метрополитени биринчи навбат қисмининг муваффақиятли қуриб битказилганлиги муносабати билан СССР Олий Совети Президиуми 1961 йил 11 январь Фармонига мувофиқ, СССР Транспорт қурилиши министрлигининг «Киевметрострой» қурилиш бошқармаси ва бошқа ташкилотларнинг ишчилари, илмий-техник ходимлари ва хизматчиларидан 297 кишини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

Ленин ордени билан 13 киши, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан 38 киши, «Ҳурмат Белгиси» ордени билан 66 киши, «Шавкатли меҳнат учун» медали билан 102 киши ва «Меҳнатда ўрнак кўрсатгани учун» медали билан 78 киши мукофотланди.

* * *

Киев метрополитенини қуришда эришган юксак ишлаб чиқариш муваффақиятлари учун проходкачилар бригадирлари Дмитрий Константинович **Масьно**, Иван Николаевич **Мишченко** ва гишт терувчилар бригадири Семён Николаевич **Харченкога** Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. (ТАСС).

АҚШ Коммунистик партиясининг фахрий раиси Ўртоқ Уильям Фостер Москвага келди

Бутуниттифоқ терапевтлар жамиятининг таклифига мувофиқ АҚШ Коммунистик партиясининг фахрий раиси ўртоқ Уильям Фостер даволаниш учун Москвага келди.

Ўртоқ Уильям Фостер Москвага келгач, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ О. В. Куусинен ва КПСС Марказий Комитетининг аъзоси ўртоқ Б. Н. Пономарев билан учрашди. Учрашув гоят самимий ва дўстона вазиятда ўтди.

Тошкент шаҳар партия активи йиғилиши

11 январда М. Горький номли театр биносида Тошкент шаҳар партия активининг коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Кенгашининг якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш қатнашчилари ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Президиумини якдиллик билан фахрий президиумга сайлайдилар.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Қ. М. Муртазоев коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари Кенгашининг якунлари тўғрисида доклад қилди.

Докладчи шу нарсани таъкидлаб ўтдики, ўтган йил ноябрь ойида Москвада бўлиб ўтган ва 81 коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари қатнашган Кенгаш жаҳон коммунистик ҳаракати тарихида энг ёрқин саҳифалардан бири бўлиб қолади. Москва Кенгаши халқаро коммунистик ҳаракат сафи оғишмай олга қараб бораётганлигини, ўз атрофига прогрессив кучларни тағин ҳам кўпроқ бирлаштираётганлигини ёрқин намойиш қилиб кўрсатди. Халқаро коммунистик ҳаракат замонамизнинг энг таъсирчан сиёсий кучи бўлиб қолди.

Докладда тарихий ҳужжатлар — Баёнот ва бутун дунё халқларига Мурожаат ҳар томонлама чуқур анализ қилиб берилди, шунингдек бу ҳужжатларнинг халқаро коммунистик ҳаракатни янада ривожлантириш, ҳар бир коммунистик партия сафини ва бутун халқаро коммунистик ҳаракатни идеологик ҳамда ташкилий жиҳатдан тағин ҳам мустаҳкамлашдаги буюк тарихий аҳамияти алоҳида қайд қилиб ўтилди.

Совет Иттифоқининг халқ хўжалиги, фан ва маданиятни ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш соҳасида қўлга киритаётган муваффақиятлари, дейди докладчи, жаҳоннинг мазлум халқларига жуда катта революционлаштирувчи таъсир ўтказмоқда. Ҳар бир совет кишисининг бурчи ўз меҳнати билан тинчлик ишини тағин ҳам мустаҳкамлашдан иборат бўлмоғи зарур.

Ўртоқ Муртазоев ўз докладининг охирида пойтахт партия ташкилотининг етти йиллик планни бажариш юзасидан амалга ошираётган ишларига, шунингдек коммунистлар ва Тошкент шаҳрининг барча меҳнаткашлари олдида турган вазифаларга — етти йилликнинг учинчи йили топшириғини муддатидан илгари бажариш учун кураш масалаларига тўхталиб ўтди.

Йиғилишда Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари А. И. Бродова, В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети КПСС тарихи кафедрасининг мудири Й. Иброҳимов, «Таштекстильмаш» заводи партия комитетининг секретари А. М. Борисенко, Калинин районидаги «Назарбек» совхози партия ташкилотининг секретари С. Эргашев, Ўзбекистон трактор йиғув заводи штампчилар бригадасининг бошлиғи Н. В. Антонов, Тошкент шаҳар комсомол комитетининг биринчи секретари Н. Е. Барков ўртоқлар ҳам сўзга чиқиб, Кенгашнинг жаҳон коммунистик ҳаракати учун ва бутун дунёда тинчлик тақдири учун ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Партия активи ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ З. Р. Раҳимбобоева қатнашди.

Йиғилиш қатнашчилари Москвада бўлиб ўтган Кенгаш якунлари қизғин маъқулланган резолюцияни бир овоздан қабул қилдилар.

Йиғилишда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига ва КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчевга табрикнома қабул қилинди.

Қишлоқ хўжалигига конкрет ва малакали раҳбарлик қилинсин

(ПИСКЕНТ РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН)

Пискент райони ўзининг партия конференциясига кўнгилни ҳурсанд қиладиган натижалар билан келмади. Райондаги колхозлар ва «Пискент» совхози пахта тайёрлаш планини бажармади. Ворошилов номли, Сталин номли, Жданов номли, Энгельс номли колхозларда ҳосилдорлик 1959 йилдагига нисбатан гектар бошига 5-8 центнердан камайиб кетди.

Нега шундай бўлди? Бунинг сабаблари кўп. Жумладан, мавжуд резервлардан яхши фойдаланилмади, далачилик ишларини комплекс механизациялашга етарли эътибор берилмади, йиғим-терим даврида ҳосилнинг кўплаб нобуд бўлишига йўл қўйилди, ташкилотчилик ишларининг савияси лозим даражада бўлмади. Район партия комитетининг секретари ўртоқ Юнусов қилган ҳисобот докладида ва сўзга чиққан конференция делегатларининг нутқларида ана шулар ҳақида гапирилди.

— Йил бошида,— деди ўз сўзида Калинин номли колхоз раиси ўртоқ Турғунов,— тантаналар билан, қарсаклар остида ўз зиммамизга юқори социалистик мажбуриятлар ва ҳисобот олдик. Лекин кўп ўтмай, бу мажбуриятларнинг ўз-ўзидан бажарилмаслигини эсдан чиқариб қўямиз. Омма орасида етарли равишда ташкилотчилик ишлари олиб борилмайди.

Сўнгра ўртоқ Турғунов район қишлоқ хўжалик инспекцияси қониқарсиз ишлаётганлигини айтиб ўтди. Бу инспекция мутахассислари жойларда — колхозчилар ва совхоз ишчилари орасида камдан-кам бўладилар.

Ворошилов номли колхоз раиси ўртоқ Толипов ўз сўзида район партия комитети қолоқ колхозларнинг аҳволини ҳар тарафлама ўрганмаётганлигини, уларга лозим даражада ёрдам бермаётганлигини кўрсатиб ўтди. Ўртоқ Толипов колхознинг асосий ерлари баҳорикорларга жойлашганлиги ва уларда сув етишмаслигини айтди. Бинобарин, қўшимча равишда суғориш шохобчалари, насос установкалари қуриш зарур эди. Бу масала юзасидан ўртоқ Толипов район партия комитетининг секретари Юнусов ва район ижроия комитетининг раиси Худойбердиев ўртоқларга бир неча бор мурожаат қилган. Лекин колхоз раиси амалий ёрдам ўрнига район раҳбарларидан ҳар сафар панд-насиҳатдан ўзга нарсани ололмаган.

Маълумки, ҳар бир ишлаб чиқариш участкасида ишнинг муваффақияти шу участкага қандай киши раҳбарлик қилаётганлигига боғлиқдир. Бинобарин, колхоз кадрларини танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотларининг энг биринчи даражали иши бўлиши лозим. Афсуски, делегатлардан Ражабов ва Қамбаров ўртоқлар ҳаққоний равишда кўрсатиб ўтганларидек, бу муҳим ишда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Конференцияда сўзга чиққан кўпгина делегатлар чорвачиликдаги камчиликларни очиб ташладилар. Бир қатор хўжаликларнинг раҳбарлари чорва молларини ем-хашак билан таъминлаш тўғрисида етарли даражада ғамхўрлик қилмаётирлар, чорва бинолари қишга яхши тайёрланмади. Ворошилов номли, Энгельс номли колхозларда сут етиштириш кескин камайиб кетди. Чорвачилик маҳсулотларининг таннархи ниҳоятда баланд.

Районда ўз ишини яхши билган ажойиб кишилар кам эмас. Жумладан, машҳур бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳакимполвон Қодиров ҳар йили пахтадан юқори ҳосил етиштирмоқда. 1960 йилда у гектаридан 64 центнердан «оқ олтин» йиғиб олди. Юқори ҳосил усталарининг тажрибалари барча бригадалар ўртасида кенг оммалаштирилиши лозим эди. Лекин район партия комитети ва колхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари бу муҳим ишга етарли эътибор бермадилар.

Районда оммавий-сиёсий ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бу ишлар колхозлар ва совхоз олдида турган асосий вазифалардан ажралган ҳолда, ҳаёт билан боғланмасдан олиб борилмоқда.

Конференция очиб ташланган камчиликларни тузатиш юзасидан конкрет тадбирлар белгилади.

Район партия конференциясининг ишида область ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Романовский қатнашди ва нутқ сўзлади.

* * *

Райкомнинг бўлиб ўтган пленумида район партия комитетининг секретарлари қилиб И. Юнусов, И. Я. Деревянко, Х. Саидумарова ўртоқлар сайландилар.

Ф. АБДУЛЛИН.

Тошкентдаги картография фабрикасининг коллективи КПССнинг XXII съездини чақириш ҳақидаги хушхабарни зўр мамнуният билан кутиб олди. Суратда: печатник ўртоқ М. Шукуров ўз касбдошларига КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг партия XXII съездини чақириш ҳақидаги қарорини ўқиб бермоқда.

А. Абалян фотоси.

КПСС XXII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ!

В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи, „Узбекуголь" комбинати, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Сталин номидаги Чирчиқ электрокимё комбинати, „Ташсельмаш" ва „Ташкенткабель" заводлари, Тошкент тўқимачилик комбинати ва Андижон ёғ комбинати коллективларининг Ўзбекистон ССР саноати, қурилиши, транспорт ва алоқа корхоналарининг барча ишчиларига ва инженер-техник ходимларига ҳамда хизматчиларига

МУРОЖААТИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводи, «Узбекуголь» комбинати, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, И. В. Сталин номидаги Чирчиқ электрокимё комбинати, «Ташсельмаш» ва «Ташкенткабель» заводлари, Тошкент тўқимачилик комбинати ва Андижон ёғ комбинати коллективларининг етти йилликнинг учинчи йили — 1961 йил давлат планини муддатидан олдин бажариш юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXII съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисида республикадаги саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналарининг барча ишчиларига, инженер-техник ходимларига ҳамда хизматчиларига қарата чиқарган Мурожаатини маъқуллади.

Область, шаҳар ва район партия комитетларига, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашига, маҳаллий саноат Бош бошқармаси, Ўзбекистон касаба союзлари Совети ҳамда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига илғор корхоналарнинг коллективлари Мурожаатини қўллаб-қувватлаш тавсия этилди. КПСС XXII съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига етакчилик қилиш топширилди.

Партия XXI съезди тарихий қарорларини амалга ошираётган социалистик индустрия меҳнаткашлари 1960 йил планини муваффақиятли якунладилар. Ўзбекистон саноати ходимлари ҳам йиллик планни 19 декабрдаёқ бажариб, ажойиб меҳнат ғалабаларини қўлга киритдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг мамлакат экономикасини ривожлантиришдаги ютуқларимиз учун изҳор қилган қизғин миннатдорчилик сўзлари Улуғ Ватанимизнинг барча меҳнаткашлари каби бизни ҳам беҳад қувонтирди.

1961 йилнинг октябрь ойида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси навбатдаги XXII съездини чақириш тўғрисидаги хушхабар бутун мамлакатимизга тез тарқалди. Бундай ажойиб воқеаларни меҳнат ғалабалари билан кутиб олиш совет кишиларига анъана бўлиб қолган.

КПСС Марказий Комитетининг пленумининг партия XXII съездини чақириш тўғрисидаги қароридан руҳланиб, биз ўз зиммамизга янги социалистик мажбурият оламиз ва 1961 йилнинг дастлабки ойларидан бошлабоқ давлат топшириқларини бажаришгина эмас, балки ошириб бажариш имконини берадиган суръатлар билан ишлашни ўзимизнинг биринчи даражали бурчимиз ва вазифамиз деб ҳисоблаймиз.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми ишлаб турган шу кунларда биз республикамиз саноати, қурилиши, транспорти ва алоқа ишчиларига, инженерларига ва техникларига ҳамда хизматчиларига мурожаат қилиб, етти йилликнинг учинчи йили планини муддатидан олдин бажариш учун, саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун, цехлар ва корхоналар, агрегатлар ишидаги сифат кўрсаткичларини яхшилаш учун, техникани тараққий эттириш суръатларини тезлаштириш учун ва энг муҳими меҳнат унумдорлигининг юксак бўлишини таъминлаш учун КПСС XXII съезди шарафига социалистик мусобақани янада қизитишга чақирамиз.

Корхоналаримизнинг ходимлари ички имкониятларни, ишлаб чиқариш резервларини ҳисоблаб чиқиб, 1961 йилда ўз зиммаларига қўйидаги социалистик мажбуриятларни оладилар.

ЛЕНИН НОМЛИ МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИ БЎЙИЧА

1961 йилнинг илк кунларидан бошлаб, коммунистик меҳнат корхонаси деган шарафли ном учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиш; ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 25 декабргача бажариш. Меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан берилган топшириқни 1,2 процент ортиғи билан бажариш; мартен печлари тўбининг ҳар бир квадрат метр сатҳидан олинадиган пўлатни 9,5 тоннага етказиш, навли «300» станнинг ҳар соатдаги ўртача унумдорлигини ошириш.

Техникани тараққий эттириш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга ошириш ишларни авж олдириш; уялуксиз пўлат қуйиш цехда ҳаёт қайнамоқда. Ҳамма ишчи ўз иши билан банд. Янги ремонтдан чиққан тепловоз пўлат ишлардан узоқ сафарга йўл олди.

Соат икки. Цех касаба союз раиси Ф. Инутин дизель центрини йигувчи бригада ишлаётган жойга келиб, Анатолий Тарасов билан саломлашиб кўришди-да, унинг қўлини сиқиб туриб «сени ва бригаданинг ҳамма аъзоларини чин юракдан табриклайман» деди.

— Хўш ўзи нима гап, Федор Яковлевич?

— Бугун завод касаба союзининг кенгайтирилган мажлисида мусобақа ғолибларидан бири бўлган сизнинг бригадангизга коммунистик меҳнат коллективи деган юксак ном берилди. Мен мажлисдан чиқиб, тўғри шу ерга келяпман.

— Раҳмат сизга, Федор ака, демак, меҳнатимиз зое кетмабди-да, — деди Анатолий.

— Меҳнат бизда зое кетмайди, аксинча, у обрў ва бахт келтиради.

— Тўғри айтасиз, Федор Яковлевич, бу номга меҳнатимиз орқали эришдик, энди уни пок сақлаймиз.

— Цех партия ва касаба союз ташкилотларининг умиди ҳам худди шундай.

1960 йилнинг 13 июли бригада 540 минг киловатт соат қисқартириш. 300 ишчини тайёргарликдан ўтказиш, 250 ишчи ва инженер-техник ходимнинг малакасини ошириш ва иккинчи касбга ўргатиш. Рационализаторлик таклифларини жорий этиб, 270 минг сўм фойда олиш.

СТАЛИН НОМЛИ ЧИРЧИҚ ЭЛЕКТРОКИМЕ КОМБИНАТИ БЎЙИЧА

1961 йилда коммунистик меҳнат корхонаси деган шарафли ном олиш. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 25 декабргача бажариш. Меҳнат унумдорлигини пландагига нисбатан бир ярим процент ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига 100 минг сўм тежаб қолиш. Нормадан ташқари 1 процент электр қувватини тежаб қолиш.

Рационализаторлар сафини кенгайтириш ва уларнинг таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этиб, 500 минг сўм иқтисод қилиш. Жамоат конструкторлик бюроси кучи билан новаторлар киритган таклифларни ишлаб чиқиш ва шу йўл билан 200 минг сўм қўшимча фойда олиш.

I кварталда ишқорни тозалаш установкасини ўрнатиш, II кварталда хлорли калийдан металлкалийларни ишлаб чиқариш тажриба — саноат установкасини, III кварталда фосфор ўнларини тушириб оладиган машинани, метанни конверсия қиладиган ва тўла автоматлаштирилган учта агрегатни ишга туширишни, корхона ўзуридаги теплоэлектроцентрали газ билан ишлашга кўчириш ва барча технология жараёнларини бошқаришни тўла автоматлаш.

200 янги ишчи тайёрлаш, инженер-техник ходимлардан 80 кишининг малакасини ошириш ва 46 кишини ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда малакасини ошириш, 1400 кишини махсус курсларда ўқитиш.

«ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИ БЎЙИЧА

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини 28 декабрда бажариш. 1962 йилга бориб, йилига 10 минг киловатт соат электр қувватини тежаш, рационализаторлик таклифларидан камида 50 минг сўм фойда олиш.

СТАЛИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ БЎЙИЧА

Пландан ташқари 600 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш, қўшимча бир ярим миллион метр тайёр газлама, 800 минг метр сурп, 500 мингта ғалтак ип, 200 мингта мулине ишлаб чиқариш.

Меҳнат унумдорлигини 1960 йилдагидан 1 процент ошириш. Шу йил ичида 140 нусхада янги гулли газмоллар ишлаб чиқариш.

Белгиланганидан 70 тонна пахта толаси, 20 тонна калава ип, 750 минг киловатт-соат электр қувватини кўп тежаш.

Биринчи сортли газмоллар ишлаб чиқаришни 0,22 процент кўпайтириш.

Пландан ташқари 1040 ускунани модернизация қилиш, яримфабрикатларни ва чиқиндиларни ишлаш учун 10 та электр поездни ишга тушириш. Рационализаторлик таклифларини жорий этиш йўли билан 550 минг сўм маблағ тежаш.

Ходимларнинг малакасини ошириш мақсадида ўқишнинг ҳамма турларини йўлга қўйиш ва буларда 3000 кишини ўқитиш.

АНДИЖОН ЁҒ КОМБИНАТИ БЎЙИЧА

1961 йилда коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номни олиш.

Ялпи маҳсулот, қора ёғ, тозаланган ёғ ва момиқ ишлаб чиқариш планини 26 декабргача бажариш, кир совун ишлаб чиқариш планини эса 10 декабргача бажариш. Пландан ташқари 300 тонна қора ёғ, 400 тонна тозаланган ёғ, 500 тонна кир совун, 30 тонна пахта момиғи ишлаб чиқариш.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархини 0,5 процент камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, планни 3,5 процент орттириб бажариш.

Қора ёғнинг исроф бўлишини 100 тонна камайтириш, 300 минг киловатт-соат электр қуввати тежаш.

Рационализаторлик таклифларини жорий этиш йўли билан камида 25 минг сўм фойда олиш.

650 ишчи ва инженер-техник ходимни техника ва иқтисодий ўқишларга жалб этиш.

* * *

Биз Ўзбекистондаги барча саноат корхоналари коллективларини съездолди социалистик мусобақасини кенг қулоч ёйдиришга ва партиямиз съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга чақирамиз.

Шонли КПСС XXII съездини муносиб кутиб олайлик!

Етти йилликнинг учинчи йили планини муддатидан илгари бажарайлик!

Бу мажбуриятлар саккиз корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари йиғилишларида муҳокама қилиниб, қабул этилган.

ЕР ТЎЙДИРИЛДИ

2-«Далварзин» совхозининг механизаторлари шудгорлашни муваффақиятли тугалладилар. Пландаги 5346 гектар ўрнига 5349 гектар ер шудгор қилинди. Тракторчилардан А. Саримсоқов, Қ. Эшонқулов, Э. Усмонов, А. Исломов ва бошқа ўртоқлар, айниқса, жонбозлик кўрсатиб ишладилар. Шудгорлаш олдидан ҳар гектар ерга самолёт ёрдамида 300 килограммдан суперфосфат солинди.

Ҳозир совхозда қишки тадбирлар амалга оширилаётир. Айниқса, яхоб бериш авж олдирилди.

Совхоз ишчилари КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги, XXII съезди очилиши шарафига социалистик мусобақани янада кучайтириб юбордилар. Ҳозирги кунга қадар совхоз бўйича 1000 гектардан ортиқ ерга яхоб берилди.

Бу муҳим ишни бажаришда 60 киши қатнашмоқда. Уларнинг унумли меҳнат қилиши учун ҳамма шароит бор.

Шунингдек, райондаги «Победа» колхозининг механизаторлари ҳам шудгорлашни эрта тугалладилар. Колхоз аъзолари техникани ремонт қилиш, маҳаллий ўғит тўплаш сингари ишларини ҳам сифатли бажармоқдалар.

Т. УМУРЗОҚОВ.

ЯХОБ БЕРИЛМОҚДА

1-«Боёвут» совхозининг ишчилари шу кунларда қишки дала ишлари намунали амалга оширмоқдалар. Совхознинг ҳамма бўлимларида шудгорланган ерларга яхоб бериш ва шўр ювиш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилаётир.

Айниқса, 6-бўлимнинг ўртоқ Мансур Рустамов бошлиқ бригадаси аъзолари бу соҳада яхши натижаларга эришмоқдалар.

— Яхоб — мўл ҳосил гарови, — дейди Мансур ака. Шунинг учун ҳам бу ишга катта аҳамият бераяпмиз.

Бригадада ҳар куни эрта тонгдан иш қизийди. Сувчилардан Ҳ. Аҳматқулов, Ю. Мамадиев, Н. Рустамов, М. Сувонқулов сингари ўртоқлар кунлик нормаларини 1,5-2 ҳиссага етказиб бажармоқдалар.

Шунингдек, бўлимнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шарофат Бозорова бошлиқ бригадаси аъзолари ҳам мўл ҳосилга пухта замин яратмоқдалар.

С. СУВОНҚУЛОВ.

Илғорларга юксак мукофотлар берилди

СССР Халқ хўжалик ютуқлари виставкаси Кенгаш Комитети ишлаб чиқаришга энг яхши машиналарни, технология процессларини ва илғор иш методларини кенг жорий қилганликлари, бу соҳадаги ютуқларини 1960 йилда СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида намойиш қилганликлари учун «Малик» совхози, «Ташсельмаш» ва «Узбексельмаш» заводлари коллективларининг хизматларини мукофот билан тақдирлади.

«Малик» совхозининг коллективи пахтачиликдаги ишларни комплекс механизациялаштиргани учун 100 минг сўмлик биринчи даражали мукофот олди. Ўтган йили совхозда чигит квадрат-уялаб экилди, кетмонсиз парваришқилинди ва етиштирилган ҳосилнинг 75 процентни машиналарда териб олинди. 1825 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30,5 центнердан пахта ҳосили олинди, ҳар бир центнер ҳосилнинг таннархи 135,6 сўмга тушди. Давлатга пахта топшириш плани ошириб бажарилди.

«Ташсельмаш» заводи коллективи «ХВС-1,2» пахта теришмашинасини яратганлиги ва уни ишлаб чиқаришни ўзлаштирганлиги ҳамда қишлоқ хўжалигига жорий қилганлиги учун 50 минг сўмлик иккинчи даражали мукофот олди. Бу машина 80—100 теримчининг меҳнатини бажаради.

«Узбексельмаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари уяларга белгиланган миқдорда чигит экадиган «СТВХ-4» маркали пахта селякси яратдилар ва уни кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. 1960 йилда шу сеялкалар ёрдами билан 50 минг гектар майдонга чигит экилди. Шунинг эвазига 8 минг тонна чигит тежаб қолинди. СССР Халқ хўжалик ютуқлари виставкаси Кенгаш Комитети машинасозларнинг бу ишларини юксак тақдирлаб, 50 минг сўмлик иккинчи даражали мукофот берди.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"НИНГ *Мухбирлар* ПОСТИДАН

ЕРНИ БОҚСАНГ ОШ БИТАР, БОҚМАСАНГ—ТОШ

«Коммунизм» колхозида пахта тайёрлаш плани бажарилмади. Бунга ҳар ким ҳар хил сабабларни рўкач қилади. Бировлар ғўза парвариши тузук бўлмади деса, бошқалар ташкилий ишлар тузук бўлмади дейди. Лекин колхоз агрономи ўртоқ Шермуҳамед Умаровнинг гаплари ҳақ:

— Ҳамма бало 1959 йилда пахта майдонининг лоақал ярми ҳам шудгор қилинмаганлигида. Энг катта хатомиз шу эди. Шунинг учун биз ўтган йили декабрь ойидаёқ ерни шудгор қилиб олдик.

Дарҳақиқат бу колхозда олдин йўл қўйилган хатолардан хулоса чиқарилиб, 7 та «ДТ-54» тракторининг нормал ишлаши учун ҳамма чоралар кўрилди. Тракторчиларга қулай иш шароити яратилди. Натижада 1600 гектар ер сифатли шудгор қилинди. Тракторчилардан А. Абдумаликов, А. Султонов, Т. Ниёзбеков ўртоқларнинг ҳар бири астойдил ишлаб, 200—230 гектардан ерни шудгор қилди.

«XXI партсъезд» колхозининг аъзолари ҳам ерни ўз вақтида шудгор қилишга катта эътибор бердилар. Улар «Ерни боқсанг ош битар, боқмасанг—тош» деган мақолга амал қилиб, пландаги 1900 гектар ўрнига 1980 гектар ерни шудгор қилиб, бу йилги мўл ҳосил учун пухта замин ҳозирлаб қўйдилар.

Райондаги «Қизил Октябрь», Навоий номли колхозларда ҳозир далага ғўнг чиқаришга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирга қадар бу колхозларда 550—600 тоннадан ғўнг жамгарилди. «Қизил Октябрь» колхозида 5 та арава билан далага кунига 25 — 30 тоннадан ғўнг ташиб чиқарилаётир. Навоий номли колхозда бу соҳага 3 та автомашина ажратилган.

Лекин райондаги ҳамма колхозларда ҳам айни пайтда шу хилда иш қилинаётир, деб бўлмайди.

Ленин номли колхозда 1960 йилда пахта тайёрлаш плани бор-йўғи 79,6 процент бажарилди. Бунга ўтган йили мўл ҳосил учун пухта замин ҳозирланмагани сабаб бўлди. Бироқ шунга қарамай, колхоз раиси Ҳ. Давиров, партия ташкилотининг секретари Ш. Алиматов ўртоқлар бу йилги ҳосил учун шудгорлаш ишига жиддий эътибор бермадилар. Колхозда 6 та ҳайдов трактори бор. Шундан кунига 3—4 таси ишлайди. Ишлаб турган тракторчилар кўп вақт кунлик нормани бажармайдилар. У Ҳайдаралиев, И. Иўлдошев, У. Маметов ва Т. Усмонов сингари тракторчиларнинг баъзи кунлари қилган шудгорлари ҳатто 1 гектарданга ҳам тўғри келмайди.

Бу колхозда далага ғўнг чиқариш ҳам ўлда-жўлда, эндигина 12 тонна ғўнг чиқарилди. Колхоз правленияси далага ғўнг ташиш учун ҳалигача транспорт ҳам, ишчи кучлари ҳам ажратмаган.

«Октябрь 40 йиллиги» колхозида 4 та «ДТ-54» трактори билан ерлар ҳайдалаётир. Бироқ иш унуми паст. Тракторлар далада бузилиб қолса, унга ўз вақтида техника ёрдами берилмаётир. Механизаторлар ўртасида социалистик мусобақа асосида иш ташкил этилмаган, уларга кеча-кундуз ишлаш учун нормал шароит яратилмаган. Колхоз раиси тракторчиларнинг қайси бири қандай ишлаётганини ҳам билмайди.

У: «ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажаролмадик, бу йил қотирамиз», — дейди. Лекин бу ишни қойил қилиш шудгорга боғлиқ эканини, қуруқ гап билан ҳеч қандай натижа чиқмаслигини ўртоқ Женеевский ҳисобга олмаётир. Шу туфайли колхоз шудгорлашда ҳам, далага ғўнг чиқаришда ҳам районда энг орқада қолиб кетди.

Чинозликлар ўтган йили пахта тайёрлаш планини бажара олмадилар. Айни кунларда 1961 йилда қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича планни тўла ва ошириб бажариш тўғрисида мажбурият олмоқдалар. 1961 йилни муваффақиятли якунлаш дастлаб шудгорга, далага кўп миқдорда ғўнг чиқаришга ва техникани ремонт қилиб, мавсумга тахт қилиб қўйишга боғлиқ эканини унутмаслик керак.

М. ЮСУПОВ,
М. ПЕЙСЕНОВ,
Чиноз районидаги «Ленин байроғи» газетасининг ходимлари.

Т. ИМОМОВ,
Ленин номли колхоздаги мактаб ўқитувчиси.

Илк ғалаба

БЕКОБОД. («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан телефон орқали олинди). 1-«Далварзин» совхози чорвадорлари КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шарафига социалистик мусобақани қизитиб, январнинг биринчи декадасида давлатга 60 тонна гўшт сотдилар. Бу, бир йиллик гўшт тайёрлаш планига баравардир. Совхозда қўплаб қорамол, чўчқа ва қўй бўрдоқига боқилмоқда.

Давлатга гўшт сотиш давом эттирилди.

ДЎСТЛАР

Ёз ойининг бир куни. Кенг, ёруғ цехда ҳаёт қайнамоқда. Ҳамма ишчи ўз иши билан банд. Янги ремонтдан чиққан тепловоз пўлат ишлардан узоқ сафарга йўл олди.

Соат икки. Цех касаба союз раиси Ф. Инутин дизель центрини йигувчи бригада ишлаётган жойга келиб, Анатолий Тарасов билан саломлашиб кўришди-да, унинг қўлини сиқиб туриб «сени ва бригаданинг ҳамма аъзоларини чин юракдан табриклайман» деди.

— Хўш ўзи нима гап, Федор Яковлевич?

— Бугун завод касаба союзининг кенгайтирилган мажлисида мусобақа ғолибларидан бири бўлган сизнинг бригадангизга коммунистик меҳнат коллективи деган юксак ном берилди. Мен мажлисдан чиқиб, тўғри шу ерга келяпман.

— Раҳмат сизга, Федор ака, демак, меҳнатимиз зое кетмабди-да, — деди Анатолий.

— Меҳнат бизда зое кетмайди, аксинча, у обрў ва бахт келтиради.

— Тўғри айтасиз, Федор Яковлевич, бу номга меҳнатимиз орқали эришдик, энди уни пок сақлаймиз.

— Цех партия ва касаба союз ташкилотларининг умиди ҳам худди шундай.

1960 йилнинг 13 июли бригада аъзоларининг ҳаётида унутилмас кун бўлиб қолди.

Бригадага юксак ном берилганлиги тўғрисидаги хабар бир зумда бутун цехга ёйилди. Кўпгина ишчилар бригада аъзоларини шарафли ном билан қизғин табриклашдилар ва уларнинг ишларида янги муваффақиятлар тиладилар.

Анатолий Тарасов бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадасида 10 киши ишлайди. Улар ҳали ёш, эндигина 20—22 баҳорни кўрган азаматлар. Бригадада турли миллат вакиллари ишлашаяпти. Улар бир оиланинг аъзоларидек бир-бирига дўст ва меҳрибон.

Ёшлар икки йиллик темирйўлчилар мактабини битирганларидан кейин биринчи ҳаёт қадамларини тепловоз-вагон ремонт заводининг остонасига қўйдилар. Коллектив уларни кенг қучоқ очиб ўз бағрига олди. Улар бу ерда таълим олдилар, чиниқдилар, меҳнатга садоқат ва муҳаббат билан қараш, ишлаб чиқариш принциплари ва технологиясини ўргандилар. Бу ҳол уларда ватанпарварлик ҳиссини кучайтирди.

Бригада аъзолари меҳнатда доимо юқори кўрсаткичларга эришишни ўзларига вазифа қилиб қўйганлар. Улар ҳар куни ишдан кейин бир жойга тўпланишиб, бажарилган иш натижаларини муҳокама қиладилар. Тажриба алмашадилар. Ишда камчиликка йўл қўйган дўстларини танқид қилиб, уларга қимматли маслаҳатлар берадилар ва эртаги ишларни планлаштирадилар. Бу эса уларнинг иш фаолиятларида ижобий натижалар бермоқда.

Бригада аъзолари қўл меҳнати билан бажарилаётган ишларни механизациялаштириш устида ижобий ишлар олиб бормоқдалар. Илгари машина агрегатларини дизелга лом ёрдамида ўрнатилар ва бу ишни бажаришга анчагина ишчи кучи сарф қилинар эди. Бригада аъзоси Василий Савельев бу ишни механизациялаш тўғрисида таклиф киритди. Таклиф амалга оширилиб, ишда қулайлик яратилди. Бригадир Анатолий дизель пружинасини қўл кучи билан эмас, балки махсус домкрат орқали сиқиш йўлини ўйлаб топди. Бу изланиш заводга катта фойда келтирди. Меҳнат унумдорлиги 15 — 20 процеттача оширилди. Бригада ўзига юклатилган топшириқни кун сайин ошириб бажариб, зарур бўлиб қолганда қолоқ бригаларга ҳам ёрдам бериб келди. Владимир Парамонов бошчилигидаги йигувчилар бригадаси ўтган ойда планнинг бажарилишини хавф остида қолдирди. Цех бошлиғининг кўрсатмасига мувофиқ Тарасов бригадаси уларга ёрдам кўрсатди. Шундан кейин қолоқ бригаданинг иши юришиб кетди.

Анатолий бошлиқ бўлган комсомол-ёшлар бригадаси янада яхшироқ ишлаши, ойлик планни 200 ва ундан ҳам ошириб бажариши мумкин. Бироқ бунинг учун қулай шароитлар яратилмаган. Бригада бажарилиадиган ишлар учун зарур бўлган қисмларни баъзи кунлари ўз вақтида ололмайди, қимматли вақтларини бекорга ўтказади. Бу ҳол В. Климов ва В. Киреев бошчилигидаги ремонтчилар бригадасининг айби билан баъзи-базъида рўй бериб туради.

Мана, танаффус вақти. Улар бир-бирлари билан ҳар хил темаларда суҳбатлашмоқдалар.

— Тўғри, биз яхши ишлаймиз, қайси йиғилишда бўлмасин мақталганимиз-мақталган. Лекин қўлга киритилган муваффақиятлар билан хотиржам бўлиб қолмаслигимиз керак, — деди Ғани Камолов ишдошларига мурожаат қилиб.

— Ҳақ гап, — деди унинг сўзини қувватлаб Александр Никитин.

Бригада аъзолари коммунистчасига ишлаш ва яшаш байроғини баланд кўтариб боришга аҳд қилиб, ўз устларига конкрет мажбуриятлар олдилар ва янги ғалабалар сари отландилар. Улар ўз спёсий ва техника билимларини ошириш учун кечки ишчи ёшлар мактабига ва сиртдан техникум ва институтларга кириб ўқишга қарор қилдилар.

Бир куни Ғани Камолов тажриба ўрганиш мақсадида кекса ишчи Манноп Абдуқодировнинг ёнига борди.

— Ишга келганингизга қанча вақт бўлди? — деб сўради ундан Абдуқодиров.

— Икки йил.

— Ёшингиз қанчада?

— 22 га қадам қўйдим.

— Ўқийсизми?

— Йўқ.

— Маълумотингиз?

— 7-синф.

— Бу маълумот билан қаерга бормоқчисиз, ука? — деди унга тикилиб кекса ишчи, — мен заводга кирганимда 18 ёшда эдим. Мен қаторилар ўқиб инженер, конструктор бўлишди. Илмда ҳикмат кўп. Агарда мен сенинг ёшингда бўлганимда эди, албатта ишлаб ўқиган бўлардим. Ўқиган мингни, ўқимаган бирни ақлдан, деган ҳикматли гап бекорга айтилмаган, ахир!

Ғанижон қизарди. Гап топиб беролмай жим қолди. Ичидан икки йил ўқимай, вақти бекорга ўтиб кетганига ачинди. У, ҳозир олий маълумотли бўлганига қадар ўқишни давом эттиришга аҳд қилди.

— Коммунистчасига яшаш бригина меҳнат ва ўқишдан иборат эмас, — дейди Геннадий Соколовский, — интизомли бўлиш, аҳлоқ қоидаларига риоя қилиш, маданиятли ва хушмуомалали бўлиш ҳам талаб этилади.

— Коммунистик жамиятга муносиб киши бўлиш учун курашар эканмиз, инсоний олижаноб хусусиятлар ҳам бизда гавдаланган бўлиши керак, — деди шеригининг сўзини маъқуллаб Михаил Смирнов.

Бригада аъзолари коммунистчасига яшашни ўзларининг муқаддас бурчлари деб биладилар. Бироқ бу муқаддас бурчни бир ёқлама тушунувчилар ҳам йўқ эмас. Марат Ориповни мисолга олиб кўрайлик. У, яхши ишлайди ҳам ўқийди. Лекин унинг маънавий қиёфасида баъзи етишмовчилик бор. Жаҳли тез, арзимаган нарсага аразлаб, бир нарсани баҳона қилиб жанжал чиқаради. Бир куни ётоқхонадаги ўртоқлари билан уришиб, бригада шаънига доғ келтирган. Унинг бу ножўя ҳаракатларини бригада коллективи муҳокама қилди, камчиликларини танқид қилиб, унга тўғри йўл кўрсатди. Мана ҳозир Марат бутунлай бошқа киши. У комсомол сафига қабул қилинди. Коллектив уни тарбиялашда кўп куч сарфлади.

Ана шунинг учун ҳам бригада қисқа вақт ичида коммунистик меҳнат коллективи деган шарафли номга сазовор бўлди.

Бригадага бу ном берилганига ярим йилча бўлди. Улар бу шарафли номни кўз қорачиғидек сақлаб келмоқдалар. Улар ишлаётган участкада «бу ерда Анатолий Тарасов бошлиқ коммунистик меҳнат коллективи ишлайди» деган вимпел ҳилпираб яшнаб турибди.

Дўстлар ишлаб чиқаришдагина эмас, балки ишдан кейин ҳам бир-бирлари билан учрашиб турадилар. Улар бўш вақтларида коллектив бўлиб кино-театрларни тамоша қиладилар, спорт билан шуғулланадилар, янги чиққан газета ва журналларни ўқийдилар. Хуллас, ўзларининг бўш вақтларини бир минут ҳам бекорга ўтказмай, фойдали ишлар билан шуғулланадилар.

Ёшлар бадиий адабиётга ҳам қизиқадилар. Ғани Камолов яқинда Николай Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» деган романини ўқиб тамомлади. У дам олиш вақтида китобдан олган таассуротларини ўртоқларига ҳикоя қилиб берди.

— Бу китоб менинг юрагимдан жой олди, — дейди у ўртоқларига қараб. — «Киши учун ҳаётдан қимматли нарса йўқ, шунинг учун уни жамиятга фойдали ишларга сарф қилиш керак». Китобдаги бу ҳикматли сўзлар менинг ҳаёлимни узоқ-узоқларга олиб кетди. Ёзувчи ҳаётни жуда яхши тасвирлаган. Мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш учун кураш қизитилмоқда. Бизнинг кучимиз, ақл-идрокимиз ана шу буюк ишни амалга ошириш ишига сарф этилса, ҳаётимиз бундан ҳам гўзал бўлади.

Бригада ўзининг фидокорона меҳнати, дўстона, аҳил ҳаёти билан завод коллективининг ҳурматига сазовор бўлмоқда. Уларнинг расмлари корхона ҳурмат тахтасини безаб турибди. Бу ёшларнинг номини цехдагилар эмас, ҳаттоки ҳамма ишчилар ҳам ҳурмат билан тилга оладилар.

Бригада бундай шуҳратга коллективчилик асосида ишлаши туфайли эришмоқда. Уларнинг дўст бўлиб, намунали меҳнат қилишлари ҳаммани қувонтирмоқда.

Ж. МАҲМУДОВ.

СИМСИЗ ТЕЛЕФОН

Кўчада кетаётган киши чўнтагидан оддий телефон аппаратини эслатувчи, унча катта бўлмаган аппаратни олди-да, ўзига керакли номерни чақирди. Аппарат микрофонида абонентнинг овози тиниқ эшитилди.

— Эшитаман.

Шундан сўнг ҳар икки томон гаплашди.

Мана, иккинчи бир мисол. Сиз автобусда кетаяпсиз. Бирдан чўнтакларингиздан бирида қўнғироқ жиринглаб колади. Дарҳол чўнтакдан бизга таниш бўлган ҳалиги аппаратни олиб, микрофонини яқинлаштирасиз ва сизни чақирувчи билан гаплаша бошлайсиз.

..Хўш, бу қанақа аппарат? Уни ким ихтиро қилди, ундан қандай фойдаланиш мумкин?

Бу — радиофон, ёки бошқача қилиб айтганда, автомат-радиотелефондир. У шаҳар телефон станцияси (АТС) билан сим орқали бевосита боғланмаган. Алоқа бошқачароқ йўл билан амалга оширилади. АТСда махсус автомат телефон радиостанцияси (АТР) ўрнатилади. Ҳар қандай радиофон сигнали эфир орқали худди ана шу АТРга узатилади. Сўнгра бу сигнал автоматик равишда АТСга боради, ана шундан сўнг оддий телефон сими орқали тарқалади.

Радиофон ярим ўтказгичларда тузилган иккита передатчик ва приёмникдан иборат. Аппарат миниатюрали никелькадмиев аккумуляторлардан озиқланади. Радиофон АТР билан 25 километр масофагача алоқа қила олади.

Бу янги аппаратни москвалик ёш инженер Л. И. Куприянов ясади. Ҳозир бу ёш ихтирочи янада такомиллашган миниатюрали радиофон яратиш устида ишламоқда. Бу янги аппаратнинг ҳажми қўл соатидек бўлади.

Радиофондан транспорт, қурилиш, шахталарда, шунингдек телефон сими ўтказиш ёки кабель ётқизиш қийин бўлган жойларда фойдаланиш мумкин.

ФАН ва ТЕХНИКА янгиликлари

200 МИНГ МАРТА КАТТА КУРСАТАДИ

Сума шаҳридаги электрон микроскоплар ва электр автоматика заводида яқинда юқори класс микроскоп ишлаб чиқарилди. Мамлакатда биринчи марта саноат йўли билан ишлаб чиқарилган бу асбоб нарсаларни 200 минг марта катта қилиб кўрсатади. Унинг бу хусусияти табиатни ва полимерлар характерини ўрганишга, майда молекулаларни ва атомларни ўрганишга катта қулайлик туғдиради.

Янги микроскоп олдинги микроскоплардан яна шу билан фарқ қиладики, унинг тез фотосуратга оладиган автоматик асбоби ҳамда текширилаётган нарсани қимирлатиб турувчи мосламаси ҳам бор. Бу микроскоп биологлар, кимёгарлар, фан ва техника соҳасида иш олиб борадиган бошқа мутахассислар учун ғоят қимматлидир.

УЙ ҚУРАДИГАН АГРЕГАТ

Посёлка қуришга мўлжалланган, лекин ҳали бўм-бўш ётган жойнинг бир майдончасига уй қурадиган кўчма завод ўрнатилади. Ҳа, қурилмайди, ўрнатилади. Бунинг учун цехлар қуриб ўтириш, коммуникация ўтказишнинг ҳам ҳожати йўқ. Ўрнатиб бўлиниши биланоқ завод пухта ва чиройли панеллар, плиталар бераверади. Уларни бир-бирига бириктириб, уй ясала беради.

Бу, ҳаёл эмас, кейинги йилларда амалга оширилаётган режа ҳам эмас. Уй қурадиган ана шундай ажойиб агрегат Свердловскдаги «Строммашина» заводи коллективи томонидан ўтган йили яратилди. Бир неча машинадан иборат бундай кўчма завод йилига ўрта ҳисобда мингта бир квартирали уйга етарли панель ва плиталар ишлаб чиқара олади.

ПАРНИК ХЎЖАЛИКЛАРИ КОМПЛЕКС МЕХАНИЗАЦИЯЛАШАДИ

Мамлакатимиз конструкторлари парникларда тайёргарлик ишларини комплекс механизациялаш имконини берадиган машиналар яратдилар. Бу комплекс машиналар яқинда давлат синовидан ўтказилди ва хўжаликларга йўлланма олди.

Дастлабки ҳисобларга кўра, янги машиналар комплексидан фойдаланилса, ҳар бир гектар ердан парник маҳсулотлари олиш учун тахминан 2500 ишчи куни тежалади ва 3 минг 200 сўм иқтисод қилинади.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ“

4-БЕТ, 13 ЯНВАРЬ, 1961 ЙИЛ.

Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхознинг теплица хўжалигида сабзавот экиладиган мўл ҳосил олинмоқда. Ҳозир теплицага кирсангиз помидор, бодринг, барра пиёз ҳосилларини, апельсин, лимонларни кўрасиз. Суратда: Колхозчилардан М. Додабоева ва М. Каримова ўртоқлар лимон ҳосилини кўздан кечирмоқдалар.

Х. Хайитмуҳамедов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ГАЗЕТХОНЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАР

„Учар тарелкалар“ ҳақидаги афсона

Сўнгги вақтларда СССРнинг аллақаерларида кишилар «учар тарелкалар» деб аталган нарсаларни кузатган эмишлар, деган ҳар хил миш-мишлар пайдо бўлди. Бу ҳақда, худди ҳақиқатан ҳам шундай фактлар бордек, айрим лекторлар ҳам гапириб юрдилар. Шу муносабат билан «Правда» газетхонлари редакцияга савол билан мурожаат қилиб «учар тарелкалар» ҳақида тушунтириб беришни сўраганлар. Мухбиримиз академик Л. А. Арцимовичга мурожаат қилиб, «Правда» ўқувчиларига шу масала тўғрисидаги ўз мулоҳазаларини айтиб беришни илтимос қилди.

— Бизнинг тепамизда учиб юрган ва «тарелкачалар» ёки «идишчалар» деб ном олган сирли моддий объектларни тасдиқловчи бирорта ҳам факт йўқ. Бу масала тўғрисида сўнгги вақтларда кенг тарқалган гап-сўзларнинг ҳаммасининг асоси бир жойга бориб тақалади. Бу миш-миш гаплар Москвадаги айрим ўз зиммасида ҳеч қандай масъулиятни ҳис қилмайдиган лекторлар докладида баён қилинган ўйдирма ва илмий бўлмаган информацияларни эшитиб тўқилган афсонадир. Мазкур докладларда Америка матбуотидан олинган ҳаёлий афсоналар ҳақида гапирилган. Бир вақтлар Қўшма Штатларда учувчи «идишлар» асосий сенсация бўлиб қолган эди

Баъзи вақтларда кўпчиликни вос-вос қилиб қўйган ана шу сенсация тўғрисида бир-икки оғиз гапиришга тўғри келади. «Тарелкачалар» тўғрисида биринчи марта 1947 йилда гапира бошладилар. Шу пайтда америкалик бизнесменлардан бири Серқоя тоғлар (АҚШнинг ғарбий қисми) районидан самолётда учиб ўтаётганида формаси тарелкаларга ўхшаш бир тўда нур сочиб турган объектларни кўриб экан. Бу объектлар жуда катта тезлик билан ҳавода тоғлар чўққиси устида айланарди. Газеталар эътиборини жалб қилган ана шу дастлабки хабардан сўнг, бу хилдаги хабарлар кўпайиб кетди. Қаердан келиб чиққани номаълум бўлган «тарелкалар», «идишчалар» ва бошқа предметлар тўдаси кечасию-кундузи америка осмонида кўринадиган бўлиб қолди. Бу предметлар ҳар томондан: гоҳ битта-битта бўлиб, гоҳ тўдалашиб кўринарди.

Шу масала юзасидан тушунтириб беришни сўраб АҚШ давлат инстанцияларига мурожаат қилинганда, улар гапни чалғитишга уриндилар. Давлат инстанцияларининг тутган бу йўли жуда бўлмаўр бемаъни миш-мишларнинг тарқала бошлашига сабабчи бўлди. «Учар тарелкалар» тўғрисида тарқалган миш-мишлардан дарҳол фойдаланувчилар ҳам топилиб қолди. Бошқа планеталарда ёки узоқ юлдузлар дунёсида яшовчилар тушган космик кораблар тўғрисида ривоятлар пайдо бўлди. Бошқа планетада яшовчилар гўё ана шу кораблда сирли мақсадлар билан Ерга экскурсия қилар эмишлар.

Бутун бошлиқ бу «эпопея» бир неча йил оғиздан-оғизга ўтиб юрди. Лекин матбуот томонидан кўтарилган бу шов-шув бироз босилгач, айрим америка олимларининг ақл бовар қиладиган фикрлари эшитила бошлади. Улар «учар тарелкалар» тўғрисидаги информация ҳали сохталаштирилмаган, бу масала ҳақида ўз-ўзини алдаш бошланмаган пайтда осмонда ҳақиқатан қандай нарса кузатилганини аниқлашга ҳаракат қилдилар. Ана шунда илгари янги учувчи объектлар борлигини исботлашга ҳаракат қилиб, олиб борилган холис кузатишлар ҳам эскириб қолганлиги маълум бўлди.

«Учар тарелкалар» нурнинг атмосферадан ўтиши ва унинг булутлар, сув томчилари, муз кристаллари ва бошқа атмосфера элементларида аксининг кўриниши билан боғлиқ бўлган ажойиб табиат ҳодисалари орқасида пайдо бўлади. Масалан, ҳар хил даражада исиган ҳавода ёруғлик нури йўлининг синиши натижасида пайдо бўладиган турли кўринишдаги сароблар шундай ҳодисаларни ҳособланади. Шунингдек, ҳавода нурнинг сув томчиларига дуч келиб синиши ва акс этиши натижасида пайдо бўладиган камалак ва «сохта қуёш», ёруғлик столбалари каби қаттиқ совуқ бўлганда содир бўладиган ва кам учрайдиган ҳоллар ҳам шундай ҳодисалар қаторига киради. Атмосфера оптикаси натижасида ҳосил бўладиган ва учувчи объектлар деб ном олган нарса ҳам ана шундай табиат ҳодисаларидан биридир. Кишилар эса буни яхши тушунмай қандайдир маълум бўлмаган учувчи объектлар бор дейдилар.

Америка астрономи Мензел бу масалани таҳлил қилишга бутун бошли китобни бағишлади ва у «учувчи тарелкалар» оптика эффектининг худди ўзгинасидир деган хулосага келди.

Ана шу айтилган гап кифоя қилса керак ва бир неча йиллар илгари кўмиб ташланган бемаъни миш-мишларнинг яна пайдо бўлишига ҳеч қандай асос йўқ, деб ўйладик. Аммо орадан бир неча йил ўтгач, биз яна сирли тарелкалар ва уларнинг космосдан келиб чиққани ҳақидаги мунозаранинг яна гувоҳи бўлиб турибмиз. Бу гал мазкур нарса ҳақида бизнинг мамлакатимизда гап бўлмоқда. Шундай миш-мишлар тарқатишга асос бўладиган янги далиллар борми? Илгари маълум бўлмаган ва бизнинг тепамизда айланаётган ҳар хил галати идиш-товоқларнинг борлиги рост эканлигини тан олишга бизни мажбур қиладиган фактлар топилдими? Йўқ, бизда ҳеч қандай янги фактлар йўқ ва марсликлар ёки Венерада яшовчиларнинг ерга яширин экскурсияга келишларини тахмин қилиш учун ҳеч қандай асосга эга эмасмиз.

Ҳамма гап шундаки, бизнинг ҳар биримизда космоса бўлган табиий қизиқишдан фойдаланган айрим шахслар яна миш-миш тарқата бошладилар. Шунинг натижасида соддадил одамлар америкалик авантюрист Адамскийнинг асари каби манбалардан олинган уйдирма информациянинг шоҳиди бўлдилар. Авантюрист Адамскийнинг сўзларига қараганда, у венераликлар бошқарган битта учар тарелкага жойлашиб олиб, улар билан бирга Венерага учмоқчи бўлибди.

Бу «қизиқарли» маълумотга Узбекистон ва Тожикистон шаҳарлари тепасида космик тарелкалар пайдо бўлганлиги тўғрисидаги мужмал миш-мишлар ҳам қўшилди. Ҳатто жажжи венераликлар Ерга тушиб, дарҳол шарқнинг сувтекин мева-чеваларини қидириб, ҳар томонга югуриб кетган эмишлар, деган хабар ҳам тарқалди. Мамлакатнинг Шимолий районларидан бирида олинган тарелкаларнинг фотографияси «учар тарелкалар»га бўлган қизиқишни оширишда қўшимча элемент бўлди. СССР Фанлар академияси амалий геофизика институтидаги лаборатория текширишлари шуни кўрсатдики, бу фотография ҳам оптик эффектнинг натижаси экан. Бу эффектни ҳарбир ҳаваскор фотограф суратга олиши мумкин. Соддадил одамлар учун бундай фотографиялардан миллионлаб ясаб берса бўлади.

Бундай афсоналар ҳар қанча қизиқарли бўлиб кўринса ҳам, уларга барҳам бериш вақти келди. Гўё осмонда пайдо бўлаётган тарелка ва бошқа моддий объектлар ёруғлиқнинг сувдаги шуъласи ёки ҳаводаги камалакка ўхшаб жуда кўп учраши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, у ёруғлиқнинг атмосферадаги ўйинидир, холос. Қолган ҳамма миш-миш гаплар ўзўзини алдаш ёки фактларни онгли равишда бузиб кўрсатишдан бошқа нарса эмас.

(«ПРАВДА» газетаси, 1961 йил, 8 январь).

ҲАМЗА ЮБИЛЕЙИГА

Ўзбек халқининг содиқ фарзанди, ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган кунга 70 йил тўлиши муносабати билан ўтказиладиган тантаналли кечалар ва бошқа учрашувларда қатнашиш учун ўзбек ёзувчилари ва шоирларидан катта бир группаси 11 январда Москвага жўнаб кетди. Улар орасида Комил Яшин, Уйғун, В. Зоҳидов, М. Шайхзода, И. Султонов, Ю. Султонов, М. Шевердин, Туроб Тўла, Мирмуҳсин ва бошқалар бор.

Москваликлар билан учрашадиган жойларда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асарларидан, шунингдек ўзбек совет ёзувчиларининг СССР халқлари тилларида нашр қилинган замонавий асарларидан китоб полкалари ташкил этилади.

Айни вақтда Москвага ўзбек санъат усталари: Ҳалима Носирова, Мукаррама Турғунбоева, Галия Измайлова, Насим Ҳошимов, Саттор Ярашев, Бернора Қориева ва бошқа саҳна усталари, «Баҳор» халқ рақс ансамбли ва Ўзбекистон филармониясининг халқ чолғу асбоблари ансамбли ҳам жўнаб кетди.

ВАСИЙЛИКНИНГ ҲОЖАТИ ЙЎҚ!

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

МОСКВА, 11 январь. (ТАСС). Бугун Совет ҳукумати Руанда-Урунди устидан Бельгиянинг васийлигини тугатиш зарурлиги тўғрисида ва Конгодаги аҳвол ҳақида баёнот эълон қилди.

Баёнотда бундай дейилади: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг васийлигида бўлган Руанда-Урунди территориясидан шу йил январнинг бошида Конго Республикасига қарши қуролли агрессия ҳаракатлари қилинди. Агрессив ҳаракатларнинг ташкилотчиси — Бельгия ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг васийлигида бўлиб, Бельгия идора қилаётган территориядан агрессия мақсадларида фойдаланди ва мобутучиларнинг ёлланган қуролли отрядларига бевосита ҳарбий ёрдам кўрсатди.

Бундай ҳаракатлар, дейилади баёнотда, Бельгиянинг Конго Республикасига қарши қаратилган, тинчликка ва халқлар хавфсизлигига таҳдид солаётган қуролли интервенциясининг бевосита давомидир. Сўнгра баёнотда айтиладики, мобутучиларнинг шайкаларини тайёрлаш ва Руанда-Урунди территориясидан агрессив ҳаракатлар қилиш ишлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Конгодаги қўшинлари қўмондонлиги берган рухсат билан ўтказилиб келди ва қўмондонлик бу ишларга очиқдан-очиқ йўл қўйиб берди.

Совет ҳукумати ўзининг баёнотида шу нарсани кўрсатиб ўтдики, Конго республикасидаги аҳвол кейинги вақтда жиддий равишда ўзгарганлиги ва ҳамма турдаги мустамлакачиларга ҳамда уларнинг ёрдамчиларига қарши чиқаётган Конго халқи кескин ҳаракатлар қилаётганлиги Бельгия мустамлакачиларининг ва Мобуту шайкаларининг янги агрессия қилишига биринчи галда сабаб бўлди.

Совет ҳукумати, Конго халқининг мустақиллик учун олиб бораётган адолатли кураши янги юқори босқичга кўтарилиб, Стэнливиль шаҳрида Конго қонуни ҳукуматининг муваққат резиденцияси вужудга келганлигини қайд қилиб, бундай аҳвол Конгода ўрнашиб олган йирик ажнабий монополияларни ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилаётган Д. Хаммаршельдни очиқдан-очиқ ташвишга солиб қўйганлигини таъкидлаб ўтди.

Совет ҳукумати шу муносабат билан шу фактга эътиборни жалб қилишни зарур деб ҳисоблайдики, дейилади баёнотда, Д. Хаммаршельд Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ижроия аппаратининг ва бир қанча давлатлар Конгога юборган қўшинларнинг мақсади ва вазифаларини бундай қасддан бузаётганлиги биринчи марта бўлган иш эмас. Совет ҳукумати шуни кўрсатиб ўтдики, Хавфсизлик Кенгашининг Конгога қарши империалистик агрессия пайини қирқишга қаратилган ҳаммага маълум қарорларига жаноб Хаммаршельд бераётган маънога Совет ҳукумати қўшила олмайди. Жаноб Хаммаршельд ўтказаётган сиёсий йўл ҳақиқатда Конгодаги Бельгия мустамлакачилари ва бошқа мустамлакачилар учун экстерриториалликни таъминлаш йўлидаги уринишдир.

Баёнотда айтиладики, Совет ҳукумати Конгодаги аҳвол тўғрисида Касабланкадаги конференцияда қабул қилинган резолюцияни тўла равишда қувватлайди.

Совет ҳукумати Африкадаги мустақил давлатлар бошлиқларининг мустақил Конго Республикасига ёрдамлашмоқ учун энг ошиғич чоралар кўриш зарур, деган фикрини қувватлайди.

Совет ҳукумати қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайди:

1. Бельгияни васийлик остидаги Руанда-Урунди территориясига бўлган ҳамма ҳуқуқлари ва ваколатларидан маҳрум қилинсин, шу мамлакат аҳолисининг кўпдан бери қилиб келган қатъий талабларига мувофиқ, бу территорияга дарҳол мустақиллик берилсин.

2. Бельгия ҳукуматидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг Конгога доир илгари қабул қилган қарорларини дарҳол бажариш ва Конго республикаси территориясидан Бельгия қуролли кучларини ва граждан аҳолисини дарров олиб чиқиб кетиш талаб қилинсин.

3. Африкадаги мустақил давлатлар бошлиқларининг Касабланкадаги конференциясида Конго масаласига доир қабул қилинган тавсияларга мувофиқ Конго Республикасидаги аҳволни нормаллаштириш соҳасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг йўли билан зарур чоралар кўрилсин.

Совет ҳукумати тинчлик ва хавфсизликни сақлаб туришга бевосита тааллуқли бўлган бу масалаларни Хавфсизлик Кенгашининг мажлисида дарҳол муҳокама қилишни, керак бўлиб қолган тақдирда эса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг фавқулодда сессиясида ҳам муҳокама қилишни зарур деб ҳисоблайди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

ПРАГА, 11 январь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Пленумининг кун тартибида турган масалалар Чехословакия жамоатчилигини ғоят қизиқтирмоқда. Кеча Прага радиоси ва телевидениесининг кечки эшиттиришлари Пленумнинг очилиши тўғрисидаги информацион билдириш билан бошланди. Бугун ҳамма газеталар Москвадан олинган муҳим хабарни энг кўзга кўринган жойларда катта сарлавҳалар остида босиб чиқариб, Пленумнинг КПСС ва бутун совет халқи ҳаётидаги катта аҳамиятини таъкидлаб кўрсатдилар.

«Руде право» Пленум тўғрисидаги хабарни, КПССнинг навбатдаги XXII съездини чақириш тўғрисидаги қарорни сарлавҳада эълон қилган. Газета «Правда»нинг 10 январдаги бошмақоласи баёнини эълон қилиб, Пленумнинг СССР қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.

ВАРШАВА, 11 январь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Пленуми Польшадаги бутун марказий матбуотнинг диққат марказида турибди. Газеталар Пленум ишининг дастлабки куни тўғрисидаги ҳисоботларни биринчи саҳифаларда босиб чиқардилар.

«Трибуна люду», «Жице Варшави», «Глос Праци» ва бошқа газеталар КПСС Марказий Комитети Пленумининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXII съездини чақириш тўғрисидаги қарорини биринчи саҳифаларда босиб чиқардилар. Газеталар катта ҳарфлар билан терилган сарлавҳаларда бундай деб ёзадилар: «Октябрь ойида — КПСС XXII съезди бўлади», «Партиянинг янги программаси тайёрланмоқда», «Бу Пленумнинг диққат марказида қишлоқ хўжалик масалалари турибди».

«Трибуна люду» газетаси партия XXII съездида қабул қилинадиган КПСС программаси ҳақида бундай деб ёзади: Янги ҳужжат ҳозирги замон тарихий тажрибасини умумлаштиради ва бир қанча янги муҳим назарий қоидаларни киритади, деб кутиш мумкин.

БЕРЛИН. 11 январь. (ТАСС). «Нейес Дейчланд», «Берлинер цейтунг», «Трибюне», «Нейе Цейт» ва Берлиндаги бошқа демократик газеталар бугун биринчи саҳифаларида Москвада Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми очилгани тўғрисидаги хабарни босиб чиқардилар. «Нейес Дейчланд» газетаси хабарни «КПСС XXII съезди 1961 йилнинг октябрида бўлади» деган катта сарлавҳа остида босиб чиқарди.

Германия Демократик Республикасининг радиостанциялари КПСС Марказий Комитетининг Пленуми иш бошлаганлиги тўғрисидаги хабарни бир неча марта эшиттирди.

БУХАРЕСТ, 11 январь. (ТАСС). Бугун Руминиянинг ҳамма марказий газеталари КПСС Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисидаги информацион билдиришни, КПССнинг навбатдаги, XXII съездини чақириш тўғрисидаги қарорнинг тўла текстини босиб чиқардилар.

СОФИЯ, 11 январь. (ТАСС). Болгариянинг ҳамма марказий газеталари бугун биринчи саҳифаларида Москвада КПСС Марказий Комитетининг Пленуми очилгани тўғрисидаги хабарни ва КПСС XXII съездини чақириш тўғрисидаги қарорни биринчи саҳифаларда катта ҳарфлар билан эълон қилдилар.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

ЖЕК ЛОНДОН

Американинг йирик реалист ёзувчиларидан бири Жек Лондон ижодини кенг совет китобхонлар оммаси яхши биладилар. Шунинг учун ҳам улар туғилганига (1876—1916) кеча 85 йил тўлган бу улкан ёзувчининг хотирасини чуқур ҳурмат билан эсга олмоқдалар.

Хонавайрон бўлган фермер оиласининг фарзанди Лондон ёшлигиданоқ капиталистик Америкадаги миллион-миллион оддий кишилар қатори очлик ва машақкатлик турмушнинг азобларини тортиб, муҳтожликда яшайди. Ўзи учун бир бурда нон топиш ва оилага ёрдам бериш учун ҳар хил ишларни қилишга мажбур бўлади.

Лондон ўқишни жуда хоҳлар эди. У кўп китоб ўқирди. Калифорния университетига бир йилгача қатнаб, лекция тинглайди. Худди шу вақтда шимоли-шарқий Канада ва Аляскада олтин конлари топилади. 1897 йилда Лондон жуда кўп «бахт изловчилар» қатори ана шу олтин конлари узоқ шимолга қараб кетади.

Кондан қайтгач, у олтин қидирувчилар ва денгизчилар тўғрисида бир қанча ҳикоя ва повестлар ёзади. 1900 йилдан бошлаб Лондоннинг «шимол» ва «денгиз» ҳикояларини ўз ичига олган китоблари биринкетин босила бошлайди. Бу ҳикоялар ёш ёзувчи номини китобхонлар орасида машҳур қилади. Ҳикояларда социал адолатсизликка қарши нафрат, яхши ҳаёт тўғрисида ҳис-туйғулар капиталистик шаҳарнинг тушкин маданиятидан романтик формада узоқлашиш руҳида баён этилади. У ўзининг кучли қаҳрамонларини баъзан ўтакетган индивидуалист сифатида тасвирлаб, бу қаҳрамонларнинг ахлоқини бора-бора буржуа мешчанларининг ахлоқига тенглаштириб қўярди.

1903 йилдё ёзувчи Англия пойтахтига газета мухбири сифатида борганида олган таассуротларини очерклар китоби сифатида нашр этади. Жафокаш кишилар тўғрисида ёзилган бу китоб Жек Лондоннинг узилкесил реализм йўлига ўтганлигидан далолат беради.

1905 йил рус революцияси Лондон дунёқарашига катта таъсир кўрсатади. Ёзувчи бу даврда социалистик партиянинг аъзоси бўлиб, изчил марксист-революционер бўлаолмаган бўлса ҳам, Маркс асарларини қизиқиб ўқирди. Лондон рус революциясининг боришини зўр қизиқиш билан кузатиб турди ва уни ҳимоя қилиб митинглларда нутқ сўзлади, газеталарга мақолалар ёзди.

1905 йилдан сўнг Лондон ижодида социал кураш темаси катта ўринни эгаллайди. Унинг Америка империализмига қарши революцион норозилик руҳи билан суғорилган ёрқин бадиий асарлари ва ўткир публицистик мақолалари худди шу 1905—1910 йилларда ёзилади. «Темир товон», «Мартин Иден» номли романлар, «Синфлар кураши», «Революция» номли мақолалар тўплами шулар жумласидандир.

Ёзувчи «Темир товон» романида капиталистларнинг жабрзулмидан қутилиш ва халқ оммасини эзишга асосланган системага барҳам беришнинг бирдан-бир йўли шимолнинг қорли саҳроларида дайди ҳаёт кечириш эмас, балки ягона ва кучли революцион партия раҳбарлигида революцион қўзғолон қилиш эканлигини тушунган курашчи образини тасвирлаб беради.

В. И. Ленин Жек Лондон ҳикояларини севиб ўқиган. Бу ҳақда Н. К. Крупская шундай деб ёзади: «Ўлимидан икки кун илгари мен унга кечқурун Жек Лондоннинг... «Ҳаётга муҳаббат» ҳикоясини ўқиб бердим. Жуда кучли нарса эди... Бу ҳикоя Ильичга ниҳоятда ёқиб тушди. Эртасига у яна Лондон ҳикояларини ўқиб беришимни илтимос қилди...»

Ўзининг 16 йиллик ижодий фаолияти даврида Лондон 19 та роман, 150 дан ортиқ ҳикоя, 3 та пьеса, жуда кўп очерк ва мақолалар ёзган.

Жек Лондоннинг кўпгина асарлари ҳали ҳам ўзининг ўткирлиги ва замонавийлигини йўқотмаган. Улар яратилган даврдагидек ҳозир ҳам тинчлик ва халқлар озодлигининг ашаддий душманлари—америка империалистларини ўшандай куч ва ғазаб билан фош қилади.

ТОШКЕНТНИНГ тамоша золарида

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/I да **Шопеннана ва балетлардан парчалар**, 14/I да **Севилья сартароши**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/I да **Бой ила хизматчи**, 14/I да **Гамлет**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 13/I да **Муқимий**, 14/I да **Ватан ишқи**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 15/I да мактаб музика абонементи бўйича 7, 8, 9, 10, 11-синфлар учун **суҳбатли концертлар**. Кундуз соат 1 яримда ўзбек тилида: **«Ўзбекистон композиторлари ижодида ёшлар»** деган темада. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Қундуз Миркаримова** ва **Коммуна Исмонлова** қатнашади, кундуз соат 4 да рус тилида: **«Камер музикаси нима»** деган темада.

КИНО

Шовқин-суронли кун — «МИР» (кеч соат 6 да).

Кўчма қалъа (янги кенг экранли бадиий фильм) — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Тирилиш (1-серия) — «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «МИР» (эрталаб соат 10, кундуз 12, кеч 8 ва 10 да).

Достигаев ва бошқалар — НАВОИЙ номли, «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Лўлиларнинг сўнгги чайласи — «МИР» (кундуз соат 2 ва 4 да).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

13 январда

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

концерти

Ансамблда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Меҳри Абдуллаева, Дилором Шерова**- солистлар **Холисхон Кодирова, Манзура Мўминова, Равшан Мўминова, Роҳат Манионова, Акбар Мўминов, Тоштемир Шарипов, Сайфитдин Йўлдошев, Болта Шарипов**, филармониядан: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Қундуз Миркаримова, Эргаш Шукруллаев, Карим Алиев**. Жаҳон ёшлар фестивали лауреати **Фозил Харротов**, солистлар **Ғафур Азимов, Раббим Ҳамдамов, Ғафур Иногомовлар** қатнашади.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Бугун ва ҳар куни РСФСРда хизмат кўрсатган артист

Ю. ДУРОВ

гастролининг давоми

(Ўргатган ҳайвонлари билан)

Ўзбек чавандозлари — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Лола Хўжаева** ва **Анвар Хўжаев**.

Тамошалар давомида артист ака-ука **Ширманлар** қатнашади.

Тамоша кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Хизматчи кўча, Жусали проезд, 12-уйда турувчи **Леонид Иосифович Гершбергнинг** Паровоз кўча, 25-уйда турувчи Белла Моисеевна Лемашевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ:

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИН ИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 ва 33262 орқали: Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими —29040. 135. Қишлоқ хўжалик бўлими —29040. 135. Саноат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Секретариат — 34808, 115. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 00436. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б. 1509.